БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 244 (735)

11 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

**Колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари! Пахта ҳосилининг бир қисми ҳали далада. Шу куннинг вазифаси—бутун ҳосилни сўнгги кўрагигача териб олиш ва тайёрлаш пунктларига топширишдан иборатдир.**

(Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатидан)

## Рационализаторларга кенг йўл!

Рационализатор — мураккаб техникани, ўз касбини пухта эгаллаган ва бу касб ҳамда техникани доимо такомиллаштириб боришга интилувчи, янгилик ахтарувчи, илғор кишидир.

Мамлакатимизда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатининг оммавий тус олиб кетиши табиийдир. Чунки совет демократиясининг энг яхши фазилатларидан бири шундаки, бизда меҳнаткашларнинг ўз ижодий ташаббусларини, куч-билимларини намоён қилиш учун барча шароитлар яратиб берилган. Даставвал ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулк бўлиши, қилинган меҳнат самарасидан ҳар бир ишчи, деҳқон, интеллигентнинг ижтимоий ва шахсий манфаатдорлиги — меҳнаткашлар ижодий ташаббускорлигининг туб манбаидир. Социалистик хўжалик системаси ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун, жамиятнинг барча моддий бойликларини яратувчи миллионларча меҳнаткашларнинг талантларини ва қобилиятларини гуллатиб-яшнатиш учун жуда кенг имкониятларни тугдириб бермоқда.

Партия, совет ва хўжалик ташкилотлари томонидан саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш объектларига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилинаётган жойларда бу ғоят катта имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланилмоқда.

Чирчиқ шаҳар корхоналарида 11 ойлик план ошириб бажарилди. Давлат планларининг бажарилишида шаҳардаги икки мингдан ортиқ рационализатор муносиб ҳисса қўшди. Ўтган 11 ой мобайнида 2350 рационализаторлик таклифлари тўпланди. Бундан 1700 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Шунинг натижасида 4 миллион сўмлик маблағ тежалди. Айниқса «Чирчиксельмаш» заводида рационализаторлик ҳаракати оммавий тус олиб кетди. Шу йил заводда мингга яқин таклиф тўпланди ва бу таклифларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу эса корхонага 2 миллион сўм фойда келтирди. Масалан, кўрак териш машиналари ишлаб чиқариш цехидаги ўртоқ Константинов бошчилик қилаётган бригада аъзолари ҳамкорликда транспортёр лентасини янги прогрессив усулда қайта монтаж қилдилар. Натижада лентанинг ҳаракат тезлиги ярим баравар ошди. Бу янгилик ҳозирнинг ўзида заводга 80 минг сўм фойда келтирди.

Гарчи, новаторлик таклифларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши давлатга кўплаб фойда келтираётган бўлса ҳам, ҳали кўпгина жойларда бу муҳим масалага етарли эътибор берилмаётир. Ҳатто айрим жойларда рационализатор ва ихтирочиларнинг таклифларини пухта ўрганиш, бу таклифларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда новаторга ёрдам бериш ўрнига, кўп ҳолларда уларни сарсон қилиб қўймоқдалар.

Тошкентдаги тўқимачилик комбинатида рационализаторлар сони анчагина бор. Лекин уларнинг ичида қанча вақт ва энергия сарфлаб яратган қимматли янгилигини ишлаб чиқаришга жорий этолмай юрганлари ҳам оз эмас. Йигирув-тўқув фабрикаларида айниқса бундай «ўкситилган» кишиларни кўп учратиш мумкин. 1-тўқув фабрикаси бошлангич партия ташкилотининг секретари, собиқ бўлим бошлиғи Крупнов ва механика устахонаси бошлиғи Боярский ўртоқлар бир неча ой ишдан кейин қолиб ишлаб, янги ажойиб транспортёр яратдилар. Бу—автомат арқоқларни имульсиялаш операциясида банд бўлган 12 ишчини бошқа ишга кўчириш, меҳнат унумдорлигини бир неча бор ошириш ва давлатнинг 200 минг сўмликка яқин маблағини иқтисод қилиш имкониятини берди. Бироқ шундай янгилик 3 йил деганда қанча тортишувлар билан зўр-базўр юзага чиқди. Фабрикадаги Владимир Родионов, Владимир Руденко ўртоқлар сингари ўнлаб оддий ишчилар эса бир янгиликни бир ҳафтада яратса, уни амалга ошириш кетида йиллаб сарсон бўлмоқдалар.

Рационализатор ва ихтирочиларнинг ижодий ташаббусларига бошчилик қилиш, уларнинг новаторлик таклифларини синчиклаб ўргалиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда таклиф авторларига ёрдам бериш ва рағбатлантириш—корхоналар ҳузуридаги рационализаторлик ва ихтирочилик бюроларининг бурчидир. Бироқ юқорида келтирилган фактлар, шунингдек кўпгина мисоллар бюро ходимларининг ўзларига топширилган бу муҳим ишга етарли эътибор бермаётганликларини кўрсатади.

Тошкентдаги Ильич номли конруда ускуналари ремонт заводида, «Қизил тонг» тикувчилик фабрикасида, «Узбекуголь» трестида аҳвол худди шундай. Бу корхоналарда ўз таклифини бунёдга келтира олмай 2—3 йилдан бери сарсон бўлиб юрган рационализаторларни кўплаб учратиш мумкин.

Ҳамма иллат шундаки, корхона партия ва касаба союз ташкилотлари БРИЗларнинг иши устидан контроллик қилмайдилар, БРИЗ ходимларининг фаолияти партия, касаба союз мажлисларида, ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама қилинмайди, ёки аксинча, БРИЗ ходимлари томонидан кўтарилган масалаларни, яъни новаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан дирекция олдига қўйилган талабларни партия ва касаба союз ташкилотлари қўллаб-қувватламайдилар, бошқачароқ айтганда БРИЗнинг ишига яқиндан ёрдам бермайдилар.

Корхоналарда рационализатор ва ихтирочиларнинг ҳаракатини кучайтириш биринчи навбатда завод рационализаторлик ва ихтирочилик бюросининг ишини яхшилашга ҳаё жиҳатдан боғлиқдир. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, БРИЗлар корхонада ижодий ташаббус ва ўзаро ҳамкорликнинг чинакам маркази бўлиб қолсин. Бунинг учун корхона партия, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари БРИЗнинг ташкилотчилик ролини оширишга, новаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдаги масъулиятини кучайтиришга эришмоқлари лозим. Партия ва касаба союз ташкилотларининг контроллигини кучайтириш, БРИЗларнинг ишини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир.

БРИЗларни ихтирочилик ва рационализаторлик ишига жон қуйдирадиган, ижодий ташаббус кўрсатадиган кишилар билан таъминлашда, улар атрофига инженер-техник ходимлардан, ишлаб чиқариш новаторларидан ва илмий-техника жамиятларининг аъзоларидан иборат бўлган активларни тўплашда яқиндан ёрдам бериш лозим.

Завод рационализаторлик ва ихтирочилик бюроларининг ходимлари таклифларни синовдан ўтказишни намунали ташкил қилишлари зарур. Бу ишга ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган ва новаторлик таклифларини жорий қилишда тажриба орттирган малакали кишиларни жалб қилиш керак.

Совет давлати рационализатор ва ихтирочиларни рағбатлантириш учун кўплаб маблағ ажратмоқда. Бу маблағдан тўғри фойдаланиш, новаторлик таклифларининг ўз қимматига, аҳамиятига қараб ҳақ тўлаш — рационализатор ва ихтирочиларимизни янги изланишларга илҳомлантиради ва уларнинг сафини яна да кенгайтиради.

Рационализатор ва ихтирочилар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда новаторлар — техника прогресси учун курашувчиларнинг илғор отрядидир. Техника прогресси учун курашувчи рационализаторларга кенг йўл!

## Н. С. Хрушчев Изабелла Блюмни қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев 8 декабрда Бельгиянинг машҳур жамоат арбоби, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг секретари, Халқаро Ленин мукофоти лауреати Изабелла Блюмни қабул қилди ва тинчлик йўлидаги курашнинг истиқболлари тўғрисида у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

## Н. А. Булганин Эфиопия элчиси З. Г. Хиотани қабул қилди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 10 декабрда Эфиопиянинг СССРдаги фавқулодда ва Мухтор Элчиси З. Г. Хиота жанобларини қабул қилди. (ТАСС).

## *Ўзбекистон КП Андижон область комитетига ва область ижроия комитетига*

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Андижон области колхозлари, МТС ва совхозлари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасида катта ишлар қилганликларини ҳамда пахта тайёрлаш планини муваффақият билан бажарганликларини қониқиш билан таъкидлайдилар. Область колхозлари ва совхозлари бу йил давлатга 418 минг тонна пахта, ёки ҳар гектаридан 26,5 центнердан пахта топширдилар. Ўтган йилдагига қараганда 14 минг тонна кўп пахта тайёрланди. Тайёрланган ҳамма пахтанинг 86 процента биринчи сортга қабул қилинди. Областда сут, жун, пилла ва мева тайёрлаш ҳамда харид қилиш планлари ҳам бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Андижон областининг колхозчиларини, МТС ва совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, пахта йиғим-теримида қатнашган шаҳар меҳнаткашларини, студентларни ва ўқувчиларни, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва комсомол ходимларини эришилган ютуқлар билан табриклайдилар ҳамда улар КПСС XX съезднинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги қарорларини бажариш йўлида бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қиладилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## *Ўзбекистон КП Бухоро область комитетига ва область ижроия комитетига*

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети зўр қониқиш билан таъкидлайдиларки, Бухоро областининг пахтакорлари пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан анча ишлар қилдилар ва пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақият билан бажардилар. Бу йил давлатга 265 минг тонна, ёки бутун 1955 йилда топширилганидан 65 минг тонна кўп пахта топширилди. Топширилган ҳамма пахтанинг 85 процента биринчи сортга қабул қилинди. Областда сут, жун, пилла, қоракўл тери ва сабзавот тайёрлаш ҳамда харид қилиш планлари ҳам бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Бухоро областининг колхозчиларини, МТС ва совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, пахта йиғим-теримида қатнашган шаҳар меҳнаткашларини, студентларни ва ўқувчиларни, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва комсомол ходимларини эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар ҳамда улар КПСС XX съезднинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги қарорларини бажариш учун бундан буён ҳам астойдил ишлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## *Ўзбекистон КП Беговот район комитетига ва район ижроия комитетига*

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Беговот район колхозчиларини, МТС ва совхозларнинг ходимларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет ва комсомол ташкилотларини 1956 йил пахта тайёрлаш давлат планини муваффақиятли бажарганликлари билан табриклайдилар.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Беговот район колхозлари ва совхозлари Беговот шаҳар меҳнаткашларининг, Тошкент шаҳридаги студентлар ва ўқувчиларнинг, шунингдек Қорасув, Тошкент, Паркент ва Бўстонлиқ район колхозчиларининг пахта терими да ҳар тарафлама берган ёрдами билан ҳар гектар ердан 22,8 центнердан ёки ўтган йилдагига нисбатан гектар бошига 3,6 центнер кўп пахта ҳосили топширганликларини, пахта ҳосилдорлиги колхозлар бўйича гектарига 4,6 центнер оширилганлигини қониқиш билан қайд қиладилар. Район колхозлари давлатга яна 1000 тонна пахта топшириш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилдилар.

Район колхозлари жун, қоракўл тери, тухум, пилла, галла, шоли, сабзавот ва картошка тайёрлаш планларини муддатидан илгари бажардилар.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишонч билдирадиларки, Беговот район колхозчилари, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашлари 1957 йил ҳосили учун кузги шудгорни ўз вақтида ўтказишни таъминлайдилар, чорва қишловини намунали ўтказадилар, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан пахта ҳосилдорлигини яна оширишда ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда бундан кейин ҳам янги муваффақиятларга эришадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## *Ўзбекистон КП Оҳангарон район комитетига ва район ижроия комитетига*

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Оҳангарон район колхозчиларини, МТС ходимларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет, комсомол ташкилотларини 1956 йилда давлатга пахта топшириш планини муваффақиятли бажарганликлари билан табриклайдилар.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қониқиш билан қайд қиладиларки, район колхозлари 1956 йил 1 декабргача давлатга 2913 тонна пахта топширдилар, ҳар гектар ердан 14 центнердан ёки 1955 йилдагига нисбатан гектар бошига 1,2 центнер кўп ҳосил олинди. Район пахтакорлари 20 декабргача етиштирилган барча ҳосилни териб давлатга топшириш ва кузги шудгорни тугаллаш мажбуриятини олдилар.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Оҳангарон район колхозчилари, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашлари давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари топшириш планини муддатидан илгари бажарадилар, 1957 йил ҳосили учун кузги шудгорни ўз вақтида ўтказишни таъминлайдилар, чорва қишловини намунали ўтказадилар ва пахтанинг ҳосилдорлигини оширишда, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда бундан кейин ҳам янги муваффақиятларни қўлга киритадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. БУЛГАНИН билан Покистон Ислом Республикасининг бош министри Х. С. СУҲРАВАРДИНИНГ бир-бирларига юборган мактублари

6 ноябрда Покистоннинг Москвадаги Элчихонаси Покистон Ислом Республикаси Бош Министри Х. С. Суҳравардининг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин номига ёзилган мактубини топширди. Бу мактубда Покистон ҳукумати Мисрдаги француз-инглиз агрессиясини, шунингдек Исроил томонидан қилинган агрессияни ҳам қатъиян қоралади, дейилади.

Мактубда шу билан бир вақтда Венгриядаги воқиалар масаласи тилга олинади. Бу мактубда мазкур воқиаларга, фактлар ва ҳақиқий аҳволга хилоф баҳо берилади.

16 ноябрда СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко Покистон Ислом Республикасининг Элчиси А. А. Ҳусайнинга СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Покистон Ислом Республикаси Бош Министри Х. С. Суҳравардига жавоб мактубини топширди. Бу мактубнинг тексти қуйида эълон қилинади.

## Покистон Ислом Республикасининг Бош Министри Х. С. СУҲРАВАРДИГА СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. БУЛГАНИННИНГ мактуби

МОСКВА, КРЕМЛЬ. 1956 йил 15 ноябрь.

Ҳурматли Бош Министр жаноблари,

Сизнинг 1956 йил 6 ноябрда топширган ва ҳамда Яқин Шарқдаги аҳволга ва Венгриядаги воқиаларга тааллуқли мактубингизни олдим.

СССР Иттифоқи ҳукумати қайд қиладики, Покистон ҳукумати, Сизнинг мактубингиздан маълум бўлишича, Англия, Франция ва Исроил давлатининг Мисрга қарши қилган агрессиясини қоралаган. Англия, Франция ва Исроил ҳукуматлари агрессия қилиш йўлига тушиб олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини ошкора оёқости қилдилар ва, Яқин Шарқда мустамлака ҳукмронлигини тиклашга уриниб, ўзларининг қуролли кучлари билан Миср территориясига бостириб кирдилар ва Миср халқининг бошига жуда катта кулфатлар солдилар. Миср халқига қарши қилинган агрессив урушни қоралаб чиққан жаҳон жамоатчилигининг тазъйиқи осгидагина агрессорлар уруш ҳаракатларини тўхтатишга мажбур бўлдилар.

Сиз айтиб ўтган Венгриядаги воқиалар масаласига келганда, Совет ҳукуматининг бу масаладаги позицияси 1956 йил 31 октябрда кенг равишда эълон қилинган «Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик давлатлар ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш асослари тўғрисида ССР Иттифоқи ҳукуматининг Декларацияси»да тўла равишда мукаммал баён қилинган.

Венгрияда яқинда бўлиб ўтган воқиалар масаласи шу мамлакатнинг ички ишидир ҳамда қонуний Венгрия Ҳукуматининг компетенциясига батамом тааллуқлидирки, шу қонуний ҳукуматнинг илтимосига биноан, Венгрияда Варшава шартномасига мувофиқ турган совет қўшинлари мамлакатдаги реакцион унсурлар томонидан муайян империалистик кучларнинг гиж-гишлаши ва ёрдамлашуви билан бузилган тартибни тиклашда зарур ёрдам кўрсатдилар.

Венгриядаги воқиаларни бузиб талқин қилиш каби ҳаркандай уринишларни ва бу воқиаларни атайин бузиб кўрсатишга интилишни Яқин Шарқда Англия, Франция ва Исроил томонидан қилинган агрессиядан халқларнинг эътиборини четга тортишга интилишдан бошқа нарса деб бўлмайди.

Сизга ҳурмат билан

Н. БУЛГАНИН.

## КПСС Делегациясининг Италия Компартияси VIII съездига боришига доир

КПСС Марказий Комитети Италия Компартияси Марказий комитетининг таклифига мувофиқ, Италия Компартиясининг VIII съездига борувчи делегацияни М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, И. К. Жегалин ўртоқлардан иборат составда белгилаган эди.

Италиянинг Москвадаги элчихонаси делегациянинг ҳамма аъзоларига Италияга жўнаш учун рухсатнома берган эди ва улар Италияга жўнаб кетган эдилар. Аммо, шундан кейин Италия маъмурлари ўртоқ М. А. Сусловнинг съездда қатнашувига рухсат бермадилар ва унинг номига ёзилган рухсатномани бекор қилдилар. Бу эса, ҳамма томонидан қабул қилинган халқаро норма ва қоидаларни сурбетларча бузишдан бошқа бир нарса эмас. (ТАСС).

## Совет-Япония қўшма декларацияси ва протоколи ратификация қилинди

1956 йил 19 октябрда Москвада имзоланган ва СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Японияннинг Қўшма Декларациясини ҳамда савдо-сотиқни ривожлантириш ва миллатга энг кўп қулайлик тўғдирувчи режимни бир-бирига бериш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Япония ўртасида тузилган Протоколни СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1956 йил 8 декабрдаги фармонлари билан ратификация қилди. (ТАСС).

## СССР ва Чехословакия халқларининг қардошларча дўстлиги бузилмас дўстликдир

### ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Узбекистон ССР Маданият министрлиги, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети чехословак-совет дўстлиги ойлигига бағишлаб 10 декабрда Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказдилар. Свердлов номли концерт залида шаҳардаги саноат корхоналари, муассасалар, ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари коллективларининг мингдан ортиқ вакиллари партия, совет ва касаба союз ходимлари тўпландилар.

Ўзбекистон ССР Маданият министри А. М. Қўчқоров йиғилишни оча туриб, чехословак — совет дўстлиги ойлигининг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди ва Чехословакия Республикасининг социалистик жамият қуриш йўлида эришган катта муваффақиятлари Совет Иттифоқидаги барча меҳнаткашлар сингари ўзбек халқини ҳам қувонтиради, деди. Совет Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси давлат гимнларининг садолари тантанали янграйди.

Йиғилишда Ўзсовпроф раиси Ж. К. Хўжаев «Чехословак ва совет халқларининг дўстлиги» деган темада доклад қилди.

Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги қардошларча дўстлик, дейди докладчи, Совет Иттифоқи бошчилик қилаётган қудратли социалистик лагердаги барча мамлакатларнинг иттифоқи ва дўстлигидан, пролетар интернационализминнинг шонли принципларига асосланган дўстликдан ажралмасдир.

Чехословакия немис-фашист босқинчилардан озод қилинганидан кейин ўтган давр ичида чехословак халқи Совет Иттифоқининг ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатларнинг халқлари билан қардошларча маҳкам иттифоқ бўлиб ва ҳамкорлик қилиб, катта ютуқларга эришди. Чехословакия коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида мамлакатда революцион социал-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди, помещиклар ва капиталистлар ҳукмронлиги тугатилди, халқ-демократик тузум ўрнатилди ва мустаҳкамланди, халқ хўжалигини ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришилди.

Докладчи бу муваффақиятларни характерлайдиган ёрқин фактларни келтиради. Чехословакияда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1937 йилдагига нисбтаан 2,4 баравардан зиёд ўсди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш эса тўрт баравардан зиёд кўпайди. Социалистик саноатнинг эришган галабалари натижасида Чехословакия Республикаси Европадаги энг тараққий этган мамлакатлардан бири бўлиб қолди, аҳолининг жон бошига ишлаб чиқарилаётган пўлатнинг миқдори жиҳатидан Франция ва Швециядан ўзиб кетди. Чехословакия халқи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришди, 238 минг деҳқон хўжалигини бирлаштирувчи олий типдаги бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари мамлакатнинг қишлоқ хўжалигида етакчи ўрин олиб турибди.

Социалистик мамлакатларнинг, айниқса Совет Иттифоқининг кўп томонлама бегараз ёрдами Чехословакия республикасининг экономикасини юксалтиришда анча роль ўйнади. 1950 йилда Чехословакиянинг бутун ташқи савдо оборотида СССР нинг ҳиссаси 27 процентни ташкил этган бўлса, 1955 йилда ташқи савдо оборотида Совет Иттифоқининг ҳиссаси 35 процентгача етди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар Чехословакия ҳукуматига меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшилаш имкониятини берди. Жумладан, 1953-1956 йиллар давомида нархларни беш марта камайтириш натижасида бунга эришилди.

Халқ-демократик тузум меҳнаткашлар кенг оммасига маориф, фан ва маданиятнинг ҳамма юз-неъматларидан баҳраманд бўлиш имкониятини берди.

Чехословакия меҳнаткашлари ўз жонажон ватанининг куч-қудратини янада ошириш учун актив курашмоқдалар. Чехословакия Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш иккинчи беш йиллик планида жами саноат маҳсулотларини 50 процент ўстириш мўлжалланган, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш эса 57 процент ва истеъмол воситаларини ишлаб чиқариш 40 процент кўпаяди. Беш йил мобайнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳажми 30 процент ортади. Беш йил давомида биргина саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши Чехословакияда урушдан аввалги даврдаги саноат ишлаб чиқаришининг бутун ҳажмидан ортиқ бўлади.

Қардош Чехословакия меҳнаткашларининг муваффақиятлари, деб таъкидлайди докладчи, иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни ва ҳамкорликни узлуксиз мустаҳкамлашга интилаётган совет кишиларини чин юракдан қувонтиради. Узбекистон меҳнаткашлари социалистик қурилишимиз тажрибаси билан танишмоқ учун республикага келган Чехословакия маданият арбобларини, журналистларини, саноат корхоналарининг мутахассисларини ва бошқа вакилларини азиз меҳмонлар сифатида кутиб олдилар. Чехословак санъати ва адабиёти асарларининг республикада катта муваффақият қозонаётганлиги Ўзбек халқининг қардош мамлакат халқига бўлган иззат ва эҳтиромининг ифодасидир. Чехословак ёзувчиларининг кўпгина асарлари Ўзбек тилида нашр этилди.

Докладчи Чехословакияда ва бошқа халқ демократияси мамлакатларидаги социалистик ўзгартиришларнинг халқаро аҳамиятига тўхталиб, халқ демократик тузумнинг мустаҳкамлигини, халқаро вазиятда тинчлик ва демократик кучлар фойдасига бўлаётган туб ўзгаришлар реакцион кучларнинг халқ демократияси мамлакатларидаги социалистик қурилишни бузиш ниятидаги уринишларини барбод қилиб юборажагини таъкидлайди. Озод халқларнинг буюк социал ғалабалари мустаҳкам ғалабадир.

Ўртоқ Хўжаев докладини тамомлар экан, Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида астойдил социализм қуриш йўлидан бораётган тинчликсевар чехословак халқи шарафига, Совет Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлик шарафига табрик сўзлари айтади. Залда ҳозир бўлганлар бу сўзларни давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Йиғилиш қатнашчилари чехословак-совет дўстлиги Иттифоқи номига табрик телеграммаси қабул қилдилар. Йиғилиш қатнашчилари бу телеграммада қардош республика халқларига социализм қурилишида янги муваффақиятлар тиладилар.

Йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади. Оркестр Ўзбекистон ССР Давлат гимнини ижро этади.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун концерт қўйиб берилди. Бу концертда чехословак композиторларининг асарлари, чехословак халқ ашулалари ва рақслари ижро этилди. (ЎзТАГ).

*БУГУН Г. В. ПЛЕХАНОВ ТУҒИЛГАН КУНГА 100 ЙИЛ ТЎЛДИ*

# Марксизмнинг отоқли назариётчиси ва пропагандисти

Бугун бутун совет халқи, социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, прогрессив инсоният Россияда марксизмнинг пионери, марксизмнинг отоқли назариётчиси ва пропагандисти, Россия ва халқаро ишчилар ҳаракатининг машҳур арбоби Георгий Валентинович Плеханов туғилган куннинг 100 йиллигини тантана билан нишонлайдилар.

Ёшлик чоғиданоқ ўз ҳаётини рус халқини маърифатли қилиш ва озод қилиш ишига, чор хокимияти ва капиталистик тузумга қарши кураш ишига бағишлаган, Россияда биринчи марксистик ташкилот — «Меҳнатни озод қилиш» группасини тузган Г. В. Плехановнинг номи коммунизм қураётган совет кишилари учун азиз ва қадрлидир.

Улуғ йўлбошчимиз ва устозимиз В. И. Ленин Г. В. Плехановнинг хизматларига, унинг асарларига бир неча марта юксак баҳо берган эди. «Менинг фикримча партиянинг ёш аъзолари учун... шуни айтиб ўтишим ўринлики, деган эди В. И. Ленин, Плехановнинг философияга оид ёзганларининг ҳаммасини ўрганмасдан туриб — чинакам **ўрганмасдан туриб** — онгли, **ҳақиқий** коммунист бўлиш **мумкин эмас,** чунки унинг ёзганлари марксизмга оид бутун халқаро адабиётдаги энг яхши асарлардир». Шу ўриндаёқ, Ленин Плехановнинг философияга оид асарлари «Коммунизмнинг мажбурий дарсликлари сериясига кирмоғи лозим» (Асарлар, 32 том, 90 бет) деб ёзган эди.

Г. В. Плеханов ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини народникликдан бошлади. Лекин у, Россиядаги ижтимоий тараққиёт жараёнининг таъсири остида ҳамда Маркс ва Энгельс асарлари билан танишиши натижасида народниклик билан алоқасини узиб, марксизмнинг машҳур пропагандистига айланди.

Плехановнинг хизмати, даставвал, шундаки у рус революционерлари орасида биринчи бўлиб биринчи рус марксистик ташкилоти — «Меҳнатни озод қилиш» группасини тузди. Уша вақтда ҳали барҳаёт бўлган Энгельс бу группанинг вужудга келишига жуда қувонган ва бу группанинг пайдо бўлиши Россияда революцион ҳаракатнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлади, деган эди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. «Меҳнатни озод қилиш» группаси Россияда марксизмни ёйиш йўлида катта ишлар қилди. Г. В. Плехановнинг ўзи ва группанинг бошқа аъзолари Маркс ва Энгельснинг энг муҳим асарлари: «Коммунистик партия манифести», «Елланма меҳнат ва капитал», «Социализмнинг утопиядан фанга тараққийси», «Философия қашшоқлиги» асарлари ва бошқа асарларни рус тилига таржима қилиб тарқатдилар. Г. В Плеханов ва «Меҳнатни озод қилиш» группасининг бошқа иштирокчилари яна бир қанча асарлар ёзиб, бу асарларда марксизм таълимотини, илмий социализм идеяларини тушунтириб бердилар.

Плеханов ва унинг «Меҳнатни озод қилиш» группаси ҳақиқатан ҳам марксизмни Россияда ёйишда жуда катта роль ўйнади. Ленин таърифи билан айтганда бу группа Россияда социал-демократияга назарий жиҳатдан асос солди ва ишчилар ҳаракатига томон биринчи қадам қўйди.

Г. В. Плеханов марксизмнинг йирик назариётчиси сифатида бир қанча жуда муҳим асарлар ёзди. Унинг «Социализм ва сиёсий кураш», «Бизнинг ихтилофларимиз», «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир», «Марксизмнинг асосий масалалари», «Тарихни материалистик англаш тўғрисида», «Тарихда шахснинг роли тўғрисидаги масалага доир» деган асарлари ва бошқа кўпгина асарлари марксизмни пропаганда қилишда, марксизм душманлари бўлган народниклар, ревизионистлар, экономистлар ва бошқаларга қарши қизғин курашда жуда катта роль ўйнади.

Плеханов бу асарларда марксизмнинг асосий масалаларини баён қилди, марксизм изчил, бирбутун таълимот эканлигини кўрсатди. Плеханов народникларнинг Россияда капитализм ривожланишини инкор қилишини қатъий қоралаб, Россия капиталистик ривожланиш йўлига аллақачон кирганлигини ва уни бу йўлдан қайтараоладиган ҳеч қандай куч йўқ эканлигини далиллар билан исбот қилди. Шу билан бирга Плеханов революционерлар ҳаммадан аввал ишчилар синфига, унинг ёшишига умид боғлашлари лозимлигини кўрсатди.

Плехановнинг назарий асарлари орасида айниқса марксизм философиясига оид ёзилган асарлари алоҳида ўрин тутади. Айниқса унинг «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир» деган китоби марксизм философиясини диалектика баён қилишда катта аҳамиятга эга. Ленининг бу асарни қайта-қайта ишлаб орқали рус марксистларининг бир бутун авлоди тарбияланди, деганлиги бежиз эмас.

Г. В. Плеханов ўз асарларида марксизм философиясини қаттиқ ҳимоя қилди, марксизм «танқидчиларига», турли хилдаги ревизионистларга кескин зарба берди. Унинг асарлари народникларнинг субъективизми ва идеализмига қарши, агностицизм ва позитивизмга қарши, бекличилик ва струвечиликка, махизмга қарши жанговар материализм руҳи билан суғорилган.

Плеханов буржуа идеалистик философиясига қарши кураш билан бир қаторда марксистик материализмнинг революцион аҳамиятини, марксизм таълимотининг назарий манбаларини кўрсатиб беради. «Революцион назария бўлмаса, дейди Плеханов, том маънодаги революцион ҳаракат бўлмайди... Узининг ички мазмуни жиҳатидан революцион бўлган идея шундай динамитдирки, жаҳондаги ҳеч бир портловчи модда ўзига хос бу динамитнинг ўрнини боса олмайди».

Плеханов марксизм философиясини энг яхши билувчи, унинг революцион моҳиятини чуқур англаб олиш билан бирга жуда яхши ифодалаб бера билган марксист олим эди. У, марксизм философияси назарий тафаккурнинг буюк ютуғи эканлигини, Маркс философик материализми буюк революция эканлигини, философик фикрнинг ривожланишида янги босқич эканлигини кўрсатиб берди. Унинг асарларида диалектик ва тарихий материализм изчиллик билан баён қилинган, марксизм философиясининг асосий масалалари: философиянинг асосий масаласи, материя ҳақидаги таълимот, диалектиканинг қонун ва категориялари, билиш назарияси яхши ифода қилиб берилган.

Народникларнинг жамиятнинг объектив ривожланиш қонунларини инкор қилувчи субъективизми — идеализмини қаттиқ танқид қилиш жараёнида Плеханов марксистик материализмни пропаганда қилди, тарихни материалистик англашнинг моҳиятини кўрсатиб берди. У, марксистик материализмга мувофиқ жамиятнинг ривожланиши жамиятнинг яшашига зарур бўлган моддий шароитларининг ривожланиши билан, жамиятнинг яшаши учун зарур моддий бойликларни ишлаб чиқариш усулларининг ўзгариши билан белгиланишини исбот қилиб берди. Плеханов одамларнинг моддий, ишлаб чиқариш фаолияти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши жамият тараққиётининг асоси эканлиги, ижтимоий борлиқ кишиларнинг ижтимоий онгини белгилаши ҳақидаги марксизм қоидаларини конкрет тарихий фактлар асосида ёрқин ифодалаб берди.

Г. В. Плеханов тарихий материализм таълимотининг энг муҳим проблемаларидан бири бўлган ҳақ оммасининг тарихда ҳал қилувчи роль ўйнаши масаласи, тарихий процессда машҳур шахсларнинг ўйнайдиган роли масаласи устида марксистик адабиётда аниқ ва ёрқин фикрлар баён қилди. Унинг «Тарихда шахснинг роли тўғрисидаги масалага доир» деган ажойиб асарида марксизмнинг бу масалага муносабати жуда кўп конкрет тарихий фактлар асосида ёрқин ифода қилиб берилган.

Плеханов народникларнинг омма — авомдан иборат, тарихни фақат қаҳрамонлар яратади деган даъволарига зарба бериб, тарихни қаҳрамонлар яратмайди, балки тарих қаҳрамонларни вужудга келтиради, деб кўрсатди. «Инсоннят тарихий ҳаракатидаги ҳеч бир улуғ қадам одамларнинг иштирокисизгина эмас, шу билан бирга жуда кўп одамларнинг, яъни **оммaнинг** иштирокисиз ҳам қўйилиши мумкин эмас», деган эди Плеханов. Машҳур шахслар, агар улар омма билан мустаҳкам боғланса ва унинг энг зарур манфаатларини, орзу-тилакларини ифода қилсаларгина жуда катта ижтимоий куч бўлишлари мумкин. «Улуғ киши ҳақиқатан ҳам бошловчидир, дейди Плеханов, чунки у бошқалардан **узоқни** кўради ва унинг ҳоҳиши бошқаларникидан **ҳаққонроқдир».** (Асарлар, 8 том, 305 бет).

Плехановнинг тарихни материалистик англаш, халқ оммасининг тарихдаги ҳал қилувчи роли ҳақида ва шахсларнинг тарихда ўйнайдиган роли ҳақида баён қилган чуқур марксистик илмий фикрлари партиямиз шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларига қарши курашаётган ҳозирги пайтда ҳам актуал аҳамиятга эгадир.

90-йилларда маркзисмни ревизия қилиш, уни кантчилик, идеализм билан алмаштиришга уриниш Европада ва айниқса немис социал-демократлари орасида мода бўлиб қолган вақтда Плеханов философия соҳасида ревизионизмга қарши жуда қаттиқ кураш олиб борди. Плеханов Э. Бернштейн, К. Шмидт ва бошқалар томонидан марксизм философиясини ревизия қилишга, диалектик ва тарихий материализмдан юз ўгириб «орқага Кантга қайтиш»га бўлган уринишларга кескин зарба берди. Плеханов бу даврда ёзган мақолаларида бернштейнчиликнинг марксизмга душман эканлигини, социал-демократия учун жуда катта хавф туғдирганлигини кўрсатиб, Бернштейнни социал-демократик партиядан чиқаришни талаб қилган эди.

Плехановнинг философия соҳасида ревизионизмга қарши олиб борган кураши марксизм философиясини ревизионизмдан ҳимоя қилишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ленин ўзининг машҳур «Марксизм ва ревизионизм» номли асарида Плехановнинг ревизионизмга қарши олиб борган курашига юксак баҳо берган. «Биз... шуни айтиб ўтамизки, — деган эди Ленин, — ревизионистлар айтган жуда бемазни сафсаталарни халқаро социал-демократияда диалектик материализм нуқтаи-назаридан қаттиқ туриб танқид қилган бирдан-бир марксист Плеханов эди». (Асарлар, 15 том. 22 бет).

Плеханов билимларининг ҳар томонламалиги, фикрининг равшанлиги, донолиги, заковати билан халқаро социал-демократиянинг кўп арбобларидан жуда юксак турар эди. У марксизм илмий социализм таълимоти, философияси, иқтисодий таълимоти соҳасига оид асарлар ёзиш билангина қолмай, адабиёт ва санъатга оид жуда кўп асарлар ёзди. Плеханов тарихий материализмни адабиёт ва санъат проблемаларига татбиқ қилди, адабиёт ва санъатнинг ижтимоий онг формаларидан бири эканлиги ҳақидаги марксистик таълимотни рус реалистик адабиёти тарихини ёритишда, улуғ рус революцион демократларининг асарларини таҳлил қилишда қўллади. Плехановнинг хизмати шундаки, у рус реалистик адабиётининг ижтимоий ролини, революцион демократлар вужудга келтирган адабиётнинг буюк аҳамиятини тўғри тушунтириб берди.

Плеханов томонидан ёзилган энг яхши асарлар 1883-1903 йилларгача, у меньшевизм томонига бурилган вақтгача ёзилган асарлардир. «Унинг ўтмишдаги шахсий хизматлари жуда каттадир, — деган эди Ленин, — Плеханов 20 йил ичида, 1883-1903 йилларда жуда кўп ажойиб асарлар ёзди, айниқса оппортунистларга, махистларга, народникларга қарши ёзилган асарлар яратиб берди». (Асарлар, 20 том, 384 бет).

Марксизми Россияда пропаганда қилиш ва ёйишда жуда зўр хизмат килган Плеханов ўзининг революцион фаолиятида марксизмдан қайтиш, оппортунизм, меньшевизм лагерига ўтишдан иборат кўпгина жиддий хатоларга йўл қўйди. Плеханов РСДРПнинг 1903 йилда бўлиб ўтган II съездидан сўнг бир қанча тактика ва сиёсий масалаларда марксистик позициядан чекиниб, меньшевиклар қаторига ўтабошлади.

Плеханов фаолиятидаги бу жиддий бурилиш бечиз эмас эди, албатта. Плеханов узоқ йиллар мобайнида чет элларда яшаган ва Россиянинг конкрет тарихий шароитидан ажралган, оммaнинг беосита революцион ҳаракатидан узоқда бўлган киши эди. Плеханов пролетариатнинг тинч даврдаги, революцион ларзалар авж олмаган даврдаги йўлбошчиси эди. У янги тарихий вазиятнинг, империализм ва пролетар революциялари даврининг моҳиятини тушуна олмади. Шунинг учун Плеханов марксизмни Россиянинг янги тарихий шароитига, империализм даврида авж олган революцион ҳаракатга татбиқ қила олмади. Буржуа демократик революцияда пролетариатнинг гегемон роль ўйнашини инкор қилиш, деҳқонларнинг буржуа демократик ва социалистик революцияда пролетариатнинг иттифоқдоши эканлигини тушунмаслик Плехановни 1905-1907 йиллардаги ва 1917 йилдаги революциялар даврида меньшевизм позициясини қаттиқ ҳимоя қилишига олиб келди.

Сиёсат соҳасида меньшевизм позициясида туриши Плехановнинг назарий соҳада ҳам жиддий хатолар қилишига сабаб бўлди. Плехановнинг философия соҳасида, илмий социализм назариясида Ленин томонидан қаттиқ танқид қилинган жиддий хатолари унинг тактика ва ташкилий масалалардаги оппортунизми билан мустаҳкам боғланган эди.

Плехановнинг меньшевизми, оппортунизми айниқса империалистик уруш йилларида яққол кўринди. У марксизм билан алоқасини узиб социал-шовинизм позициясига ўтиб кетади, шу сабабдан февраль революцияси вақтида ҳам, октябрь кунларида ҳам меньшевиклар билан бир бўлиб Ленин стратегияси ва тактикасига қарши чиқади. Февраль буржуа-демократик революциясидан кейингина узоқ эмиграциядан Россияга қайтиб келган Плеханов Октябрь социалистик революциясининг моҳиятини тушунмади, уни қувватламади. Лекин Плеханов унинг ҳамфикрлари бўлган меньшевикларнинг Совет ҳокимиятига қарши курашларини қувватламади, бундай курашдан воз кечди.

Аммо Плехановнинг жиддий меньшевистик хатолари бўлишига қарамай мамлакатимиз ва жаҳон ишчилар синфи учун унинг назарий асарлари ҳали ҳам қимматлидир. Коммунистик партия ва Совет давлатимизнинг асосчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленининг Плехановнинг зўр хизматларига, унинг асарларига берган юксак баҳоси Плехановнинг роли ва аҳамияти нақадар катта эканлигини ёрқин кўрсатиб беради.

Ўтмишдаги илғор, прогрессив маданиятнинг қонуний вориси бўлган совет халқи улуғ рус миллатининг энг ажойиб фарзандларидан бири, марксизмнинг отоқли пропагандисти, рус ва жаҳон илғор, прогрессив маданиятининг энг йирик намоёндаларидан бири бўлган Георгий Валентинович Плехановнинг порлоқ хотирасини зўр ҳурмат билан эсда тутади.

**Р. СОҲИБОЕВ.**



«Плехановнинг философия тўғрисида ёзганларининг ҳаммасини ўрганмасдан туриб — чинакам **ўрганмасдан туриб** — онгли, **ҳақиқий** коммунист бўлиш **мумкин эмас,** чунки унинг ёзганлари марксизмга оид бутун халқаро адабиётдаги энг яхши асарлардир».

**В. И. ЛЕНИН**

## Г. В. Плехановга бағишланган илмий конференция, йиғилиш ва виставкалар

Халқаро ишчилар ҳаракатининг отоқли арбоби Г. В. Плеханов туғилган куннинг 100 йиллигини мамлакатимиз жамоатчилиги кенг нишонламоқда.

Украина КП Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабида Г. В. Плеханов туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлди. Профессор Ф. Я. Москалец ўзининг кириш сўзида Россияда марксизмнинг ажойиб пропагандисти сифатида Г. В. Плехановнинг хизматларини қайд қилиб ўтди. Философия фанлари кандидати М. К. Скударь «Г. В. Плехановнинг философик мероси тўғрисида» доклад қилди. Тарих фанлари кандидати Г. И. Алфеева Россияда социал-демократик ҳаракатнинг асосчиси сифатида Г. В. Плеханов тўғрисида сўзлаб берди.

Ригада, Латвия ССР Фанлар академиясининг асосий кутубхонасида шу тарихий кунга бағишланган катта виставка очилди. Виставкада асосий ўринни Г. В. Плехановнинг асарлари — танланган асарлари, мақолалар тўплами ташкил этади. (ТАСС).

* * *

Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларининг жамоатчилиги марксизмнинг отоқли пропагандисти Георгий Валентинович Плеханов туғилган куннинг юз йиллигини кенг равишда нишонламоқдалар.

Республиканинг саноат корхоналарида, муассасаларида, колхозларида, совхозларида ва МТСларида Г. В. Плехановнинг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида лекция ва докладлар ўтказилмоқда. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият, партия органларининг лектор группалари бу ишга олимларни, олий ўқув юртлари ўқитувчиларини жалб этдилар. Улар «Г. В. Плеханов — марксизмнинг отоқли пропагандисти», «Г. В. Плеханов — Россияда биринчи марксистик ташкилот — «Меҳнатни озод қилиш» группасининг асосчиси», «Г. В. Плеханов тарихда халқ оммасининг ва шахснинг роли тўғрисида», «Марксча философиянинг тарихида Плехановнинг роли», «Г. В. Плехановнинг адабий-эстетик қарашлари» ва бошқа темаларда лекциялар ўқимоқдалар.

Жамиятнинг область, шаҳар ва район бўлимларида Г. В. Плеханов туғилган куннинг юз йиллиги муносабати билан олимлар томонидан рус ва ўзбек тилларида ишлаб чиқилган лекцияларнинг янги текстлари юборилди.

Республика партия мактабида, Тошкентдаги бирнеча олий ўқув юртларида ижтимоий фанлар кафедраларининг қўшма мажлислари, илмий-назарий конференциялар ва сессиялар бўлиб ўтмоқда. Республика пойтахтининг кутубхоналарида Г. В. Плеханов асарларининг ва марксизм-ленинизм классикларининг отоқли рус революционери тўғрисидаги китобларининг виставкалари очилди. (ЎзТАГ).

* * *

Навоий номли Давлат халқ кутубхонасида марксизмнинг отоқли пропагандисти Г. В. Плехановнинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан виставка ташкил қилинди. Виставкага Г. В. Плехановнинг «Фалсафий ревизионизмларга қарши», «Социализм ва сиёсий кураш», «Бизнинг ихтилофларимиз», «Рус ишчиларининг революцион ҳаракатлари» деган фалсафий ва сиёсий асарлари ҳамда унинг «Н. Г. Чернишевский,», «Л. Толостойнинг мақолалари ҳақида», «Виссарион Григорьевич Белинский» деган мақолалари бор. Шунингдек В. И. Ленин томонидан Г. В. Плехановнинг дунё қарашлари тўғрисида ёзган асарлари қўйилган.

Шаҳар институтларининг студентлари, аспирантлари ва ўқитувчилари Г. В. Плеханов асарларини ўқиб ўрганмоқдалар.

## *Отоқли марксист хотирасига бағишланган йиғилиш*

Яқинда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг студентлар, ўқитувчи ва профессорлар коллективининг Г. В. Плехановнинг хотирасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда профессор Н. Н. Мирошкина, доцентлардан М. И. Пескова, Н. Р. Косинков ва бошқа ўртоқлар «Плехановнинг марксистик философия тарихидаги роли», «Меҳнатни озод қилиш» группаси томонидан тузилган социал-демократлар программаси проекти», «Плеханов тарихда шахс ва оммaнинг роли тўғрисида» ва бошқа шу каби темаларда докладлар қилдилар.

Бу докладлар студентлар, ўқитувчилар ва бошқа олий ўқув юртларидан келган тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди. Ана шундай йиғилишлар яна ўтказилади.

**К. ОРИФХОНОВ.**

## Г. В. Плеханов танланган Асарларининг нашр қилиниши

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти Г. В. Плеханов танланган Асарларининг 15 томдан иборат тўпламини тайёрлашга киришди. Г. В. Плеханов асарларининг бу тўртинчи нашрини яқин беш йил ичида босиб чиқариш мўлжалланади. Тўпламга марксизмнинг Россиядаги биринчи отоқли пропагандисти Г. В. Плехановнинг барча энг йирик ва муҳим асарлари киритилади. Булар орасида: «Социализм ва сиёсий кураш», «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши тўғрисидаги масалага доир», «Тарихни материалистик тушиниш тўғрисида», «Марксизмнинг асосий масалалари» ва бошқалар бор. (ТАСС).

# ТАСС ахбороти

Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессияси муносабати билан кўпгина совет гражданлари агрессорларни Миср тупроғидан ҳайдаб чиқариш учун Миср халқи билан биргаликда кураш олиб бориш мақсадида кўнгиллилар сифатида Мисрга жўнаш учун рухсат беришни сўраб ҳокимият органларига мурожаат қилганликлари ТАССнинг 10 ноябрдаги баёнотида маълум қилинган эди. Бу баёнотда, агрессорлар БМТнинг қарорларини менсимай, ўз қўшинларини Мисрдан олиб чиқиб кетмаганлари тақдирда, Совет Иттифоқидаги тегишли ҳокимият органлари кўнгиллилар — совет гражданларининг Мисрга жўнаб кетишларига халақит бермасликлари ҳам таъкидланган эди.

Ҳозирги вақтда Англия, Франция ва Исроил ҳукуматлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган қарорларни тўла бажариш учун қандайдир шартларни ошкора равишда ёки бошқа шаклларда илгари суришга ҳануз уринаётган бўлсалар ҳам ўзларининг барча қуролли кучларини Мисрдан дарҳол олиб чиқиб кетажакларини ва ўз қўмондонликларига тегишли кўрсатмалар берилганлигини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретарига расмий суратда билдирдилар.

Олинган маълумотларга қараганда, Англия ва Франция қўшинларини Порт-Саиддан олиб чиқиб кетиш, шунингдек Исроил қўшинларини Миср территориясидан олиб чиқиб кетиш бошланган.

Шундай қилиб, жаҳон жамоатчилигининг ва барча тинчликсевар кучларнинг тазъйиқи остида Англия, Франция ва Исроил ўз қўшинларини Мисрдан олиб чиқиб кетиш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан чиқарилган қарорларга бўйсунишга мажбур бўлдилар.

Совет Иттифоқи халқлари Араб Шарқида уруш олови ўчирилганлигини зўр мамнуният билан таъкидлайдилар. Улар Англия, Франция ва Исроил ҳукуматлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажарадилар ва шундай қилиб, ер юзининг ана шу қисмида тинчлик ва осойишталик мустаҳкам суратда ўрнатилади, деб умид қиладилар.

Шу муносабат билан ТАСС қуйидагиларни билдиришга вакил қилинган: Англия, Франция ва Исроил қўшинларининг Мисрдан тамомила олиб чиқиб кетилиши совет кўнгиллиларининг Мисрга бориши тўғрисидаги масалани кун тартибидан олиб ташлайди, албатта. Мустаҳкам тинчлик ва халқлар ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатиш Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг асосий йўли бўлиб келди ва шундай йўл бўлиб қолади.

АРХЕОЛОГИЯ ЯНГИЛИКЛАРИ

# Тарихий девор

Биз, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтининг бир группа илмий ходимлари, Бўка районидаги «Ленинизм» колхози территориясини кесиб ўтган қадимги тарихий деворни аниқлади ва бу ҳақда маҳаллий аҳоли ўртасида бўлган турли маълумотларни тўплай бошлади. Деворнинг қаердан бошланиши ва қаерга бориб тўхташи ҳақида биринчи бўлиб шу колхознинг раиси Ўртоқ Раҳматуллаев маълумот берди. Кейинчалик Ўртоқ Муҳамедов девор бўйлаб текшириш ўтказган вақтида Мичурин номли колхоз территориясидаги Гижиган қишлоғида яшовчи 75 ёшдаги Бектурота Эшбуловнинг берган хабарлари билан юқоридаги маълумотларни тўлдирди.

Маҳаллий аҳоли ўртасида бу қадимги иншоот Жилон бузган ёки Илон бузган номи билан машҳур бўлиб, нима сабабдан бундай ном билан аталиши маълум эмас.

Бу ажойиб тарихий ёдгорлик илгарироқ ҳам совет археологларини қизиқтирган. У 1934 йилда биринчи марта олим В. Г. Григорьев томонидан ўрганилди. В. Г. Григорьев ўзининг 1934 йилги археологик текширишлари ҳисоботида бу деворни «Кампир дувол» номи билан атайди. Академик В. В. Бартольднинг «Туркистонни суғориш тарихига доир» асарида ҳам бу девор ҳақида маълумот бор.

Маҳаллий аҳоли ўртасида Жилон бузган номи билан аталган ва В. Г. Григорьев текширган «Кампир дувол»и ҳақиқатда биргина девор бўлиб, ўрта асрда Тошкент областини ташқи душмандан сақлаш учун қурилган.

Тошкент области ўзининг географик тутган ўрни бўйича Шарқдан табиий тўсиқ — Чотқол тоғлари ва ғарбдан Сирдарё билан ўралган бўлиб, ташқи душмандан сақланиш учун қурилган бу сунъий иншоот унинг шимолий ва жанубий томонларидан ўтган.

В. Г. Григорьев бу деворнинг Қоворнинг ҳар икки томони бўйлаб 300-400 метр масофада қурилган миноралар ва айрим-айрим жойларга ўрнатилган махсус мустаҳкам фортификациялар, истеҳкомларнинг қолдиқлари дарҳол кўзга ташланади. Улуғ Хитой деворига ўхшаш Тошкентнинг обод районларини ташқи душмандан сақлаш учун бир неча юз километр масофага чўзилган бу зўр иншоот В. Г. Григорьев берган маълумотларга қараганда VIII асрда қурилган. В. Г. Григорьевнинг бу фикри ҳақиқатан тўғри бўлиб, бу иншоот текширилган районларда ўрта аср қалъаларини ва истеҳкомларини ўз ичига ўраб олгани маълум бўлди. Масалан, у, Оққўрғон районидаги 17-совхоз территориясида ва Бўка районида Мичурин номли колхоз территориясининг чегарасига жойлашган ўрта аср қасри Оқтепа, Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоз территориясига жойлашган Мойтепа ва шунга ўхшаш ўрта аср шаҳарчаларини, тарихдан бизга маълумки, Бухоро, Самарқанд, Марв, Нурота ва бошқа шаҳарларни ташқи душмандан сақлаш учун қурилган деворлар VIII асрда ёки араблар истилосидан бурунроқ бунёдга келган. Самарқанд атрофидаги Девори Қиёматни текширган археолог В. Л. Ваткин ва Бухоро атрофини ўраган Кампирак деворининг бир қисмини текширган профессор А. Ю. Якубовскийлар ўз асарларида бу деворларнинг араблар истилосидан олдинроқ қурилганлигини кўрсатиб ўтадилар.

X аср тарихчиси Муҳаммад Норшоҳининг ёзишича, Бухоро ҳавзасини ўраган девор 166 жижрий (782 милодий) йилда кўчманчи турклар ҳужумидан сақланиш учун қурилган. Бухоро ҳавзасини ўраган бу деворнинг тахминан 180 километрга яқин масофадаги қисми шу йил ёзида ўртоқ Муҳамедов томонидан текширилди ва аниқланди. Агар Бухоронинг Кампирак девори билан Жилон бузганнинг қалинлиги, баландлиги, қандай ҳолда сақланганлиги ҳамда айрим масофаларда ўрнатилган минора ва бошқа хилдаги истеҳкомларнинг қолдиқларини солиштириб кўрсак, Тошкент девори Бухоро девори билан бир даврда, эҳтимол араблар истилосидан бирмунча бурунроқ қурилганлигига шубҳа қолмайди.

Улуғ Хитой деворидек, бу деворни қуришда халқ оммасининг кўрсатгани ниҳоятда зўр меҳнат жасоратини кўз олдимизга келтириш қийин эмас. Муҳаммад Норшоҳининг сўзича, Бухоро ҳавзасини ўраган деворни қуриш ишларида халқ қарийб 50 йил ишлаган. Бундан ташқари, деворни сақлаб туриш ва уни ҳар йили ремонт қилиш учун кўплаб маблағлар сарфланган. Бу ишларнинг ва сарфланган маблағларнинг ҳаммаси меҳнаткаш халқ ҳисобига бўлар эди.

Жилон бузган XI-XIII асрларда ўз қимматини йўқота борган ва кейинчалик аста-секин бузилиб кетган.

Тошкент деворининг тарихий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Чунки у, биринчидан, VIII асрларда областнинг суғориладиган ерлари чегараларини аниқлаб берса, иккинчидан, областнинг VIII асргача ва ундан кейинги даврлардаги сунъий суғориш тарихининг динамикасини белгилашга ёрдам беради.

Бу тарихий ёдгорлик атрофида қурилган миноралар ва фортификациялар истеҳкомлар билан янада чуқурроқ ва кенгроқ танишиш, уларни марксча-ленинча фан асосида чуқур ўрганиш Ўзбекистон тарихчиларининг шарафли бурчидир.

**А. МУҲАМАДЖОНОВ,**
тарих фанлари кандидати.

# Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов

Кетиб қолган депутат ўрнига Тошкентдаги 14-Каганович сайлов округида шу йил 9 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1956 йил 1 ноябрдаги Фарманига биноан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов бўлиб ўтди. Меҳнаткашлар республика Олий Совети депутатлигига Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ўртоқ М. Т. Турсуновни якдиллик билан сайладилар.

# Мурожаатга жавобан барча ҳосилни тезда йиғиштириб олиб, шудгорлашни кучайтириб юборайлик!

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

## Колхоз ва совхозларда ғўзапоя юлишни кунсайин тезлаштирайлик

**Илғор колхозлар, совхозлар етиштирилган мўл ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олганларидан кейин, дарҳол далаларни ғўзапоядан тозалашга ва ерларни шудгор қилишга киришмоқдалар. Улар келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаб қўйиш мақсадида механизаторлар билан ҳамкорликда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Юқори Чирчиқ районидаги Андреев номли, Верхне-волинск районидаги «Қизил Октябрь», Янгийўл районидаги Сталин номли ва шуларга ўхшаш жуда кўп илғор колхозларда ғўзапоя юлиш суръати тобора кучайтирилиб, асосий пахта майдонлари шудгор қилиб бўлинди. Бу колхозларда шудгордан олдин ерга етарли миқдорда минерал ва маҳаллий ўғитлар солинди.**

**Бироқ, баъзи бир районлардаги айрим колхозлар бу йилги муваффақиятдан мағрурланиб, келгуси йил ҳақида қайғирмаётирлар. Октябрь районидаги Тельман номли, Энгельс номли колхозлар бу йил пахта тайёрлаш планини бажардилар. Ҳар гектар ердан ўтган йилдагига нисбатан бирмунча кўп ҳосил олинди. Иккала колхоз ҳам қолоқликдан чиқди. Энди шу колхоз раҳбарлари колхозни илғорлар даражасига етказиш учун курашишлари керак эди. Ваҳоланки, колхозда план тўлгандан кейин пахта тайёрлаш суръати бўшашиб кетгани устига ерларни ғўзапоядан тозалаш, шудгор қилиш, маҳаллий ўғит жамғариш иши жуда ёмон аҳволга тушиб қолди. Колхоз раҳбарлари дастлабки муваффақият олдида эсанкираб қолдилар. Агар ҳозирги ғанимат кунларда ерлар етарли миқдорда ўғитланиб, сифатли шудгор қилиб қўйилмаса, келгуси йилда ҳосилни ошириш қийин бўлиб қолади.**

**Бу йил Мирзачўл ерларида янгидан ташкил этилган 1-«Фарҳод», «Дружба» совхозлари пахта тайёрлаш планларини бажара олмадилар. Лекин шунга қарамай бу совхозларда 1957 йил мўл ҳосили учун чинакамига ҳаракат қилинмаётир. Жуда катта майдонларда пахта ҳосили батамом йиғиштириб олинганига қарамай, ер ғўзапоядан тозаланмай турипти. 1-«фарҳод» совхозининг директори Ўртоқ Полвонов ҳам, «Дружба» совхозининг директори Ўртоқ Нуриддинов ҳам ғўзапоя юладиган «универсал»лар етарли бўлишига қарамай ана шу машиналарни ишга солиш тўғрисида зарур тадбирлар белгиламаётирлар.**

**Ҳозирги кундаги энг муҳим вазифа—ҳосили батамом йиғиб-териб олинган далаларда ғўзапоя юлишни ҳар тарафлама кучайтириб юборишдан, ерларни пешма-пеш сифатли шудгор қилишдан иборатдир.**

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхозда кузги шудгор ишлари қизитиб юборилди. **Суратда:** механизатор ўртоқ С. Исоқов ўз агрегат машинасидан унумли фойдаланиб ҳар куни 15 гектар ерга етказиб ўғит солмоқда. Донрада универсалчи **С. Исоқов.**

**В. Салов** фотоси.

## АМАЛИЙ ЖАВОБ

БЕКОБОД, (ЎзТАГ). Бекобод районининг колхозларида, МТС ва совхозларида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Совет Ўзбекистонидаги барча ишчилар, колхозчилар, интеллигентларга, барча меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаати кенг муҳокама қилинмоқда.

...2-«Далварзин» совхозининг иккинчи бўлими. Бу ерда суҳбатга ўнлаб ишчилар тўпланди. Бўлим бошқарувчиси Қосим Холмирзаев Мурожаат текстини ўқиб бериб, бундай деди:

— Ўзбекистоннинг пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариши — катта ғалабадир. Республикамизга берилган юксак мукофот — Ленин ордени бизни янада яхшироқ ишлашга чақиради.

Бизнинг 2-«Далварзин» совхозимиз коллективи ҳам пахта учун курашдан иборат умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшди. Биз 2834 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан пахта териб олдик. Бу пландагидан анча ортиқдир.

Далаларимизда ҳали оқ олтин кўп. Биз Мурожаатга жавобан пахта йиғим-теримини яқин кунлар ичида тугаллаш учун бутун кучимизни сафарбар қиламиз. Бу эса совхозимизга давлатга қўшимча равишда камида етти юз центнер пахта топшириш имкониятини беради.

Шу бўлимнинг бригадири ўртоқ Қаюмов бундай деди:

— Бизнинг бригадамиз ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта олди. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, кузги шудгорлашни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб амалга оширган хўжаликлар доимо юқори ҳосил олишга эришадилар. Бизнинг бригадамизда 102 гектар майдоннинг ҳаммаси ғўзапоядан тозаланди. Ҳамма жойда экин майдонига ўғит солинмоқда. Яқин икки уч кун ичида кузги шудгорлашни тўла тамомлаймиз.

Республика раҳбар органларининг Мурожаати Тошкент областининг Мирзачўл, Гулистон, Верхне-волинск, Сирдарё ва бошқа районларида ҳам кенг муҳокама қилинмоқда. Пахтакорлар йиғим-теримни тезроқ тугаллаш, шудгорлашни юқори сифатли қилиб ўтказиш юзасидан якдиллик билан қарор қабул қилмоқдалар.

## Муттасил юқори ҳосил олиш учун

Калинин районининг пахтакорлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатини социалистик мажбуриятни бажариш билан нишонладилар. Район бу йил ҳосилни ўтган йилга нисбатан ҳар гектарига 8 центнердан ошириб, давлатга 32 центнердан пахта топширди. Ҳосилни йил сайин ошириб келаётган Молотов номли колхоз гектаридан 34,7 центнердан пахта териб олди.

— Колхозимизнинг аъзолари, — дейди «Победа Октября» колхозининг раиси ўртоқ Х. Нормуҳамедов, —партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олди. Бир йил ичида ҳосил гектаридан 7 центнердан оширилди, давлатга 28 центнердан пахта топширдик. Биз пахтачиликни тинмай юксалтириб, қўш орденли республикамизнинг шуҳратини янада оширамиз. Колхозимизнинг меҳнатсевар аъзолари келгуси йилда Ватанга гектаридан камида 30 центнердан пахта етказиб бериш юзасидан янги мажбурият олдилар. Биз шу кунларда келгуси йил мўл ҳосили учун курашмоқдамиз. Ерлар ғўзапоядан тозаланиб, шудгор қилинаётир. 1 январгача ариқ-зовурларни тозалаб тахт қилиб қўямиз.

Районнинг сабзавотчилари, чорвадорлари ҳам Мурожаатни меҳнатда кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Мурожаат колхозчилар йиғилишида қизғин муҳокама қилиниб, қишлоқ хўжалигида янги муваффақиятларга эришиш учун муҳим тадбирлар белгиланмоқда. 4975 гектар ер шудгор қилиб қўйилди. Район чорвадорлари сигирлардан янада кўп сут соғиб олиб, республикамизда илгорликни сақлаб қолиш учун астойдил курашмоқдалар.

## *Қолоқликдан илғорликка*

Андреев номли колхоз Гулистон районида қолоқ колхозлардан бири ҳисобланарди. Бу колхоз бир неча йиллардан буён пахта тайёрлаш давлат планини бажармасдан келарди. Колхоз аъзолари артелни қолоқликдан чиқариш, илғорларга тенглаштириб олиш учун курашиб, бу йил ҳар қачонгидан кўра фидокорона меҳнат қилдилар, бутун ички ресурсларни ишга солдилар. Дастлаб шуни айтиш керакки, ғўза парвариши даврида қилинадиган ишларнинг деярлик 80-90 процанти механизация ёрдамида бажарилди. Меҳнат кунидан тўғри ва унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Колхозчилар йиғим-терим даврида айниқса уюшқоқлик билан ишладилар. Колхоз правленеси (раиси ўртоқ Султонов) ва партия ташкилоти (секретари Ҳ. Маматқулов ўртоқлар) оммавий-сиёсий ишларни кенг кўламда қизитиб юборди. Бу каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида колхозда пахта ҳосилини ошириш соҳасида катта силжиш бўлди. Колхоз аъзолари шу кунга қадар 460 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта топшириб, катта ютуқни қўлга киритдилар.

Колхознинг кекса пахтакор ўртоқ Ҳасан Илёсов бошлиқ бригадасида айниқса мўл ҳосил етиштирилди. Бригада аъзолари 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 37 центнердан пахта топшириб, социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар. Лекин ҳали бригаданинг ерларида териб олиниши керак бўлган кўраклар кўп. Шунинг учун ҳам бригада аъзолари яна ҳар гектар ердан 2-3 центнердан пахта топшириш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар.

Шунингдек Э. Тошбоев, И. Бобоқулов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ҳам 62-70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 24-27 центнердан пахта топширдилар. Улар ана шу ишлари билан колхознинг илғорлар қаторига кўтарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Т. Усмонова ва А. Жумабоев ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг ҳаммаси юқори кўрсаткичга эришдилар. Бу звеноларда ҳар гектар ердан давлатга 44 центнердан пахта топширилди.

Колхознинг бошқа бригада ва звеноларида ҳам йиғим-терим ана шундай уюшқоқлик ва бирдамлик билан ўтказилмоқда.

Колхоз аъзолари ҳали далада анчагина ҳосил борлигини ҳисобга олиб, давлатга яна 200 тонна пахта топшириш учун курашмоқдалар. Улар бу янги мажбуриятни ҳам шубҳасиз шараф билан бажарадилар. Ҳозир колхозда 160 га яқин киши, 2 та кўрак чувиш машинаси ва бошқа механизмлар мунтазам равишда ишлаб турибди.

Колхоз аъзолари кўрак теришни қизғин давом эттириш билан бирга, келаси йил мўл ҳосили учун ҳам пахта замин тайёрлаш мақсадида барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Пахтаси териб, ғўзапоялари йиғиштириб олинган майдонлар тезда шудгор қилинмоқда.

**В. АБДУСАМАТОВ.**

## Шудгорлаш кучайтирилди

Мирзачўл районининг пахтакорлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг республикамиз меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатини ғоят қониқиш билан кутиб олдилар. Пахтакорлар охирги грамм пахтани териб олиш билан келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрламоқдалар. Кузги шудгор қилишда ўзаро мусобақа кучайтириб юборилди. Мусобақада «Ленинизм» колхозининг аъзолари ғолиб чиқдилар. Бу колхоз 600 гектар пахта майдонидан 400 гектарини шудгорлаб қўйди. Шудгор қилинган ерларга минерал ва маҳаллий ўғит солинди.

Ерларни шудгор қилишда 1-МТС-нинг ўртоқ Ғанижон Содиқов бошлиқ бригадасининг тракторчилари юқори меҳнат унумига эришмоқдалар. Тракторчи ўртоқ Нажмиддин Муллабоев ўз тракторининг тўхтовсиз ишлашини таъминламоқда. У ДТ-54 трактори билан 7-8 гектар ер ҳайдаб, нормасини ошириб адо этмоқда. Илғор тракторчи ҳозиргача 150 гектар пахта майдонини, 300 гектар баҳорикор ерни ҳайдаб берди. Р. Саидаҳмедов, О. Йўлдошев каби тракторчилар ҳам кунлик нормани 150-200 процентдан бажараётирлар. «Октябрь», Охунбобоев номли, Ленин номли колхозларда ҳам иш конвейер усулида ташкил қилинган. Ғўзапоядан тозаланган ерлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

**М. АБДУРАИМОВ.**

## *Янгиликка интилаётганлар*

Фозил ака йил бошидаги ваъда билан йил охиридаги якунни кўнглидан ўтказар экан, мийнигда кулиб қўйди. Бундан 4 йил олдин бўлган умумий мажлисдаги гаплари эсига тушди.

Февраль ойининг боши эди. Колхознинг катта клубига катта-кичик — ўсмирлар, эркаклар, хотин-қизлар, механизаторлар йиғилган. Биринчи масала анча силлиқлик билан ўтган бўлса ҳам янги агротехника усулига кўчиш тўғрисидаги масала катта тортишувлар, баҳслашувларга сабаб бўлди. Шунда Фозил ака ҳам сўзга чиққан эди.

— Биз ҳар йили шартномада белгиланган пахтани бериб келаяпмиз, — у президиумда ўтирганларга назар ташлаб деди, — мана бултур эски одатимиз бўйича чигит эккан эдик, ёмон бўлмади, 20 центнердан пахта бердик. Бу йил 25 дан берамиз деб турибмиз. Лекин илтимосимиз шуки, чигитни қайси усулда экишни ўз ихтиёримизга қўйиб бересаларинг... Ҳар ким хоҳлаган усулида чигит эксин-у, пахта бersин, планини тўлдирсин, вассалом.

— Янги усулда чигит эксангиз меҳнатингиз енгиллашади, ҳосилгаҳосил қўшилади, — лўкма ташлади президиумда ўтирганлардан бири.

— Кетмон чопиб, ҳосилни етиштирадиган биз. Шундай бўлгандан кейин ўз ихтиёримизга қўйиб беринг, — заҳарханда қилди Фозил ака.

— Кетмон билан узоққа боролмайсиз, механизацияга таяниш керак, — қатъият билан деди агроном.

Фозил ака мажлисда бир гапда туриб олган бўлса ҳам кейинчалик деҳқончиликни биладиган кишилар билан маслаҳатлашиб кўрди, ҳосилни оширишга қаратилган янги режалар тузди. Чунки бошқа бригадалар янги усулга кўчишга қарор қилган эдилар. Борди-ю, улар ҳосилни ошириб юборса, Фозил ака уялиб қолиши турган гап эди.

Барибир, шу йили бригада яна ўз билганича, эски усулда чигит экди. Ғўза парваришини машиналар ёрдами билан ўтказиш мумкин бўлмаганидан кетмонга зўр берилди, натижада меҳнат куни сарфлаш пландагидан ошиб кетди. Йиллик якунни айтинг: гектаридан олинган ҳосил бошқа бригадаларга қараганда роса 8 центнер кам бўлди. Бригада аъзолари «аттанг» деб қолдилар.

1954 йил. Бригада аъзолари ҳамма қайдонга чигитни квадрат-уялаб ва торқаторлаб экдилар.

Янги усул ўз самарасини кўрсатди. Бригада аъзолари бир йилда ҳосилни гектарига 11 центнер оширдилар. План эмас, социалистик мажбурият ҳам бажарилди.

Шу-шу бўлди-ю, пахтачилик соҳасида қандай янгилик бўлса, уни ишлаб чиқаришга жорий қилишда Фозил ака иш боши бўлиб қолди.

Ҳозир Фозил ака билан гаплашсангиз, янги усулнинг афзаллигидан мамнун бўлиб сўзлайди.

— Янги усул айни муддао бўлиб чиқди, — дейди у. Бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта топширдик. Янги усул бизга яна бир янгилик очиб берди. Ғўза парвариши узунасига-кўндалангига ўтказилганлиги туфайли қўл меҳнати анча кам талаб қилинди. Ана шу кучлар ҳисобидан «чўл ўзлаштирувчилар группаси» туздик. МТС ёрдам қилди, юқори Тошкент канали қирғоқларидан 74 гектар қўриқ ерни ўзлаштириб, дастлабки йилиёқ гектаридан 30 центнердан пахта олдик.

Бригада аъзоларининг иши ҳақиқатан ҳам тақдирга сазовор. Бир йилда гектаридан олинган ҳосилни 14 центнерга оширган, 74 гектар қўриқ ерни ўзлаштириб, мўл пахта ҳосили етиштирган, ўтган йилга нисбатан 23 процентдан кўпроқ меҳнат кунини тежаб қолган, она-Ватанга 500 тонна «оқ олтин» етказиб берган бригада аъзоларини меҳнат қаҳрамонлари демай бўладими?!

Бригадада яна бир ютуқ шундаки, звеноларнинг ҳам ҳосилни оширишда бир хилда ўсишга эришганлар. Абдумавлон Маҳматуллаев, Абдуҳалил Дўстов, Худойберганов бошлиқ звеноларнинг ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта топшириб, катта ютуққа эришдилар.

Бундан бир неча йил олдин колхозларнинг миллионер бўлишини орзу қилар эдик. Эндиликда, хатто бригадалар ҳам миллион-миллион сўмлаб даромад олмоқдалар. Фозил Кўчқоров бошлиқ бригада бу йил пахтадан 2 миллион сўм даромад қилди. Бир меҳнат кунига 30 сўмдан пул, 3 килограммдан ғалла тақсимланади.

— Бу йилги ишимиз бирмунча дуруст якунланган бўлса ҳам ҳали қиладиган ишимиз жуда кўп, — дейди бригадир, — деҳқончилик иши бир йиллик иш эмас, бу йилги ҳосилнинг охирги тонналарини йиғиб-териб олишни келгуси йил тайёрлиги билан боғлаб ўтказиш керак.

— «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» дейди халқимиз. Бу жуда тўғри. Бригадир ердан бир ҳовуч тупроқ олиб, гижимлаб-гижимлаб бизга кўрсатди, — қаранг, бўрсиб турибди, ҳозир шудгор қилинса борми, қиши билан унинг орасига нам сингиб, яна ҳам бақувват бўлади, зараркунандалар қирилиб кетади. Биз ҳозиргача 70 гектар ерни шудгорлаб қўйдик. Қолган ерларни ҳам тезда ва сифатли шудгор қилиб оламиз, келгуси йилда 50 центнердан пахта беришга арзийдиган иш қилиб қўямиз.

**М. НАЗАРОВ.**

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз.



Янгийўл шаҳар тикув-пойафзал комбинатининг коллективи хотин-қизлар кийим-кечакларининг янги хилларини қўплаб ишлаб чиқармоқда. **Суратда:** ўртоқ **А. И. Петрова** тайёр маҳсулотларни упаковка қилаётир.

**Р. Исаев** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Бўлажак Ленин шаҳри ўрнида

### АРТЕЗИАН ҚУДУҒИ

Қурувчиларни яхши, мазали сув билан таъминлаш мақсадида артезиан қудуғи кавланди. Сув 152 метр чуқурликдан чиқарилди.

Артезиан қудуғи ҳозир фойдаланишга топширилди.

### ЯНГИ МАГАЗИН ОЧИЛДИ

Ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида янги магазин очилди. Магазинга меҳнаткашлар учун зарур бўлган ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари келтирилди ва савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилди.

Шунингдек қурувчиларга бир неча автолавка, автостоловой, пассажир автомашиналари хизмат қилаётир.

### АВТОГАРАЖ ҚУРИЛМОҚДА

Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун ўлкамизнинг ҳамма томонларидан тинимсиз равишда ҳар хил техника воситалари келтирилмоқда.

Ҳозир ҳам кўплаб автомашиналар ва механизмлар келтирилиб, ишга туширилаётир. Ана шу автомашина ва механизмларни яхши сақлаш мақсадида янги катта автогараж ва мастерской қурилмоқда.

### ЯНГИ УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИ

Барча қурилишлар билан бир қаторда ишчи, хизматчи ва қурувчилар учун янги уй-жой бинолари қуриш иши кенг кўламда қизиб кетди. Уй-жой бинолари учун қурилиш материаллари тўхтовсиз келтирилмоқда.

Ҳозир 30 дан ортиқ уй-жой биноларига фундамент қўйилиб, деворларини тиклашга тайёргарлик кўрилаётир.

### ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ ҚУРИЛДИ

Яқинда янги электростанция қурилиб, ишга туширилди. Электростанция қурувчиларнинг палаткаларини, иш жойларини Ильич нурлари ёритиб турипти.

### ТОШ ЙЎЛ

Катта тош йўл қурилиши жуда тезлик билан олиб борилаётир. Бир неча механизмлар ва самосвал автомашиналар бетиним ишлаб турипти.

Тош йўл чўл бағрини ёриб, тобора ичкари кириб бормоқда. Ҳозир йўлнинг 15 километрга яқини қурилди.

Бу тош йўл қурилиши қизғин давом эттирилмоқда.

**Т. РУЗИБОЕВ.**

## *Чилонзордаги қурилишларда*

Шаҳарнинг Чилонзор массивида кўпгина 4-5 қаватли муҳташам бинолар қад кўтараётир. Бу ерда ишлаётган бинокорлар янги йилни муваффақият билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилаётирлар. Улар бу массивда қурилаётган 8 та 4 қаватли бинони тезроқ битказиш ва уларни йил охиригача меҳнаткашларга топширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Р. Бўронов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари бинокорларга намуна кўрсатиб ишлаётирлар. Бу бригада аъзолари смена нормаларини 1,5-2 марта ошириб бажармоқдалар. Ғишт терувчилардан Э. Ғаниев, Д. Москолев каби илғорлар системали равишда ойлик ва кунлик нормаларини 2-2,5 ҳисса адо этмоқдалар.

Келгуси йил Чилонзор массивида 36 бинога фундамент қўйилади. Яна бир-икки йилдан сўнг бир вақтларда кичик-кичик пастқам бинолар, ўнқир-чўнқирлардан иборат бўлган Чилонзор пойтахтимизнинг гуллаб-яшнаган жойларидан бирига айланади.

**Ж. ЖУМАНИЁЗОВ.**

# *Редакцияга хатлар*

## Политехника таълими учун нормал шароит яратиб берилсин

Партия XX съезди Директивларида умумий маълумот берадиган мактаблар олдига политехника таълимини ривожлантириш, ўқувчиларнинг ҳозирги замон саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг муҳим тармоқлари билан танишиб чиқишларини таъминлаш, таълим ишларини фойдали ижтимоий меҳнат билан боғлаб олиб бориб, ёш авлодни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш вазифалари қўйилган. Съезднинг бу кўрсатмаларини бажариш халқ маорифи ходимларининг энг муҳим ва шарафли бурчидир.

Шунга қарамай, Октябрь районидаги 133-ўрта мактабда политехника таълими масаласига эътибор берилмаётир. Аввало шуни айтиш керакки, бу соҳада мактаб директори ўртоқ Усмонов ташаббус кўрсатмайди. 1955/56 ўқув йилида район ижроия комитетининг қарори билан Тошкент ремонт-подшипник заводи ва «XVIII партсъезд» артели мактабни оталикка олди. Аммо директор бу оталик ташкилотларига бориб, политехника таълимини йўлга қўйиш учун зарур бўлган ёрдамни талаб қилмади. Бундан ташқари СССР Министрлар Советининг махсус қарорига биноан мактабга автоинспекция бир автомашина ва 1-автомобиль ремонт заводи токарлик ҳамда фрезерлик станоклари ажратиб берган эди. Аммо мазкур нарсалар ҳам ҳалигача мактабга келтирилгани йўқ.

Бу йилги оталик ташкилоти — район ремонт қурилиш конторасидан ҳам алоқа мустаҳкамланмади ва керакли ёрдам олинмаётир. «Ташпромторг»дан 10 та слесарлик тискилари олиш учун пул тўланган эди. Шундан бери орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди, бироқ мактабга тискилар келтирилгани йўқ.

Мен мактаб директори ўртоқ Усмоновдан политехника таълими учун нормал шароит яратиб берилишини талаб қилсам, у ишдан бўшатаман деб пўписа қилади. Район халқ маорифи бўлими бу мактабдаги аҳволни тузатиш чораларини кўриши керак.

**А. ХИСМАТУЛИН,**
Октябрь районидаги 133-мактабнинг меҳнат ва практикум ўқитувчиси.

## Раснинг эътирозлари

Бизлар Бўка районида бўлганимизда район марказидаги колхоз, совхоз, МТСга олиб борадиган йўлларни кўриб жуда ажабландик. Биз райондан 15 километр нарида жойлашган хўжалиги кўптармоқли «Ленинизм» колхозига олиб борадиган йўлни назарда тутаётирмиз. Ёзда чанг-тўзони кўтарилиб, қишда эса тизза бўйи лой бўлиб кетади. «Ленинизм» колхоз аъзоларининг асабларига тан берамиз. Ахир улар бу йўлдан ёмғирли баҳорда тоннатонна ўғит, уруғ, кузда ҳосил, қиш ойларида эса озиқ-овқат ташийдилар. Айниқса шофер ва аравакашларнинг бу аҳволга чидаб келганларига қойил қолиш керак. Ҳамма қийинчилик шуларнинг гарданига тушади.

Бу йўлда қиш, куз фаслларида кўпинча транспорт қатнови бутундай тўхтаб қолади.

Колхоз раиси ўртоқ А. Мирзажоновнинг айтишича, шу йил кўклам да бир неча тонна минерал ўғит йўл нобоблигидан ташиб келтирилмай, темир йўл станцияларида қолиб кетган. Бу йил давлатдан 1350 тонна минерал ўғит олиниши керак, — дейди раис. Бироқ уни ўз вақтида ташиб олишга қўзимиз етмаётир. Чунки йўлни тузатиш масаласи бу йил ҳам район ижроия комитети сессиясида кўрилмай қолди.

Биз бу йил 120 хўжалик учун уй-жой бинолари қуришимиз лозим. Бинокорлик материалларини ўз вақтида ташиб келтириш масаласи ҳам бизни айниқса ташвишга солаётир. Йўлнинг ёмонлиги юк ташиш қимматини ошириб юбормоқда. Ўтган йил бир килограмм донни ташиш учун 10 тийин, минерал ўғит учун эса 6 тийин харажат қилишга мажбур бўлдик. Колхозимиз йилига 60-70 минг сўм маблағни автомашиналарни ремонт қилишга, запас қисмлар сотиб олишга исроф қилаётир.

Раснинг эътирозлари жуда тўғри. Ҳақиқатан ҳам йўлнинг ёмонлиги хўжаликнинг ҳамма тармоқларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Район раҳбарлари йўлни тузатишга кўп ваъда берадилар-у, лекин унга амал қилмайдилар. Бўлмаса, шу вақтга қадар бу йўлни тузатиш чораларини кўриш ҳамда колхозчиларнинг нормал қатнашлари учун қулай шароит яратиб бериш тўғрисида ўйлаб кўрмасмидилар?

**С. ХУЖАЕВ,**
иқтисод фанлари кандидати.
**С. Л. КЕЛЬБЕРТ,**
техника фанлари кандидати.
**У. Б. БОЗОРОВ,**
философия фанлари кандидати.
**А. АЛИЕВ,**
Академиянинг аспиранти.

## Колхозчилар талаби

Чиноз районидаги Молотов номли ва Шверник номли колхозларда кино кўрсатиш ишига эътиборсизлик билан қараб келинмоқда. Бу колхозларда кинопередвижкалар тез-тез бўлиб турмайди, колхозчиларга янги кинофильмлар кўрсатилмайди. Октябрь ойида юқоридаги колхозларда фақат бир марта «Тоҳир ва Зуҳра» кинофильми кўрсатилди, холос. Киномеханик Егоровнинг ўз вазифасига ўтакетган даражада бепарволик ва масъулиятсизлик билан қараши натижасида кинокартина сифатсиз, бир неча марта узилиб ва овозсиз кўрсатилди. Бунинг натижасида кинога келган колхозчиларнинг ярмидан кўпи сеанс тамом бўлмасдан кетиб қолишга мажбур бўлди. Район маданият бўлими бу колхозларда кино кўрсатиш бўйича ойлик график тузиб чиқмаган, киномеханик қайси куни қайси колхозда кино кўрсатишини олдиндан билмайди. Кино кўрсатиш ишини яхшилаш ва киномеханиклар томонидан кинофильмларнинг қандай кўрсатилиши устидан маданият бўлими (мудири ўртоқ Худойберганов) назорат ўрнатмаган.

Район маданият бўлими кино кўрсатиш ишига панжа орасидан қарашга барҳам бериши лозим. Колхозчилар шуни талаб қилмоқдалар.

**С. УСМОНХУЖАЕВ.**

РЕПОРТАЖ

## Студентлар ошхонасида

Соат 2 га яқинлашмоқда. Кунинг ана шу вақтида ошхона жуда гавжум бўлади. Мана, биринчи смена лекциялари тамом бўлди. Аудиториялардан бирин-кетин чиқиб келаётган қувноқ йигит-қизларнинг кўпчилиги одатдагидек овқатланиш учун институт ошхонаси томон йўл олдилар.

Бу пайтда ошхонанинг тўрттала залида дарс бошланиши олдидан овқатланиб ўтирган иккинчи смена студентлари ҳам кўпчиликни ташкил қилар эди.

— Шунча одамнинг бир вақтнинг ўзида овқатланиши учун стол-стуллар етишармикан? — деб бизнинг гумонсираб берган саволимизга ошхона директори:

— Ҳа, жойлар етарли. 240 кишилик ўрин бор, — деб жавоб берди.

Ана, олдинги қатордаги столда ўтирган 4 студент овқатланиб бўлишди. Улар ҳали эшикдан чиқиб кетмаслариданоқ ошхона хизматчиси ўртоқ Александра Сухачёва столни янги хўрандаларга тайёрлаб қўйди. У, ўзининг чаққонлиги, пухта ишлаши билан бошқа хизматчиларга намуна бўлмоқда. А. Сухачёва Улуғ Октябрнинг 39 йиллиги кунида Фрунзе район ОРСи томонидан ташаккурнома олган. Хизматчи Анна Дёмкина ҳам яхши ишлаганлиги учун ана шундай ташаккурнома билан тақдирланган.

Бу ерга келган хўрандалар овқатни ўзлари олиб келадилар. Ошхонада тайёрланган овқатлар хилма-хил ва сифатлидир. Шўрвани ичиб бўлгач, котлетларни майдалаётган эксплуатация факультетининг IV курс студенти Ражаб Фатхуллаев: «Котлетни жуда мазали қилиб пиширишади-да» деса, унинг ёнида овқатланаётган шериги: «мантиси ҳам чакки бўлмапти», — дейди.

Студентлар турли-туман, мазали, арзон овқатлар учун ошхона ходимларига миннатдорчилик билдириб чиқиб кетадилар.

Тошкент Транспорт инженерлари институтининг ошхонаси ва унга қарашли буфет студентларга намунали хизмат қилмоқда. Бу ошхона шу йилнинг I кварталида яхши ишлаганлиги учун СССР Савдо министрлиги ва ВЦСПСнинг ташаккурномасини олишга муваффақ бўлган эди.

— Келгусида ҳам студент-хўрандаларнинг талабларини тўла қондириш учун ҳозирнинг ўзидаёқ бутун қишга етарли картошка, пиёз, қарам, сабзи, томат, кўп миқдорда ёғ, макарон ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаб қўйдик, — дейди ошхона директори ўртоқ А. Орлов.

Институт ошхонасининг озода залларида студентлар жуда тез вақт ичида яхши, лаззатли таомлар билан овқатланмоқдалар.

**С. МУСАЕВ.**

# Италия Коммунистик партиясининг VIII съезди очилди

РИМ, 8 декабрь. (ТАСС). Бугун Римда Италия Коммунистик партиясининг VIII миллий съезди очилди. Съезд ишларида Коммунистик партиянинг икки миллиондан ортиқ аъзолари номидан 1.064 делегат қатнашмоқда. Съездга чақирилган 779 киши орасида парламент аъзолари, шаҳарларнинг мэрлари, маданият арбоблари, меҳнаткашлар бор. Хитой, Франция, Польша, Чехословакия, Болгария, Финляндия, Австрия, Марокаш, Бельгия, Голландия қардош коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари съезд ишларида қатнашиш учун келдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат ва КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. А. Фурцева ҳамда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси И. К. Жегалинлардан иборат КПСС делегацияси ҳам съездда қатнашмоқда.

Италия Коммунистик партияси VIII съездининг кун тартиби:

1. Социализмга боришдаги итальян йўли учун, меҳнаткаш синфларнинг демократик ҳукумати учун кураш (докладчи Пальмиро Тольятти).

2. Партиянинг устави тўғрисида (докладчи Луиджи Лонго).

3. Партиянинг раҳбар органларини сайлаш.

* * *

РИМ, 9 декабрь. (ТАСС). Бугун Италия Коммунистик партияси VIII съездида партия бош секретари Пальмиро Тольятти доклади юзасидан музокаралар бошланди. Партия раҳбарлигининг аъзоси Серени нутқ сўзлаб, Коммунистик партия аҳолининг янгидан-янги кенг табақалари орасида ўз таъсирини кенгайтирмоқ учун олиб бораётган курашини кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. У дедики, деҳқонлар Италия жамиятининг анчагина қисмини ташкил қилади, улар Италия меҳнаткашларининг энг кўп сонли қисмидир ва улар ишчилар синфининг асосий иттифоқчиси бўлишлари лозим. Партиянинг қишлоқдаги ишини авж олдириш зарурлигини шу факт ҳам кўрсатиб турибдики, ҳозирги вақтда христиан-демократик партия энг кўп овозни қишлоқларда олмоқда.

Италия коммунистик ёшлар федерациясининг бош секретари Тривелли сўзга чиқиб, Венгриядаги воқиалар муносабати билан ёшлар орасида авж олиб кетган дискуссия КПСС нинг XX съезди ва унинг қарорлари ёш авлод таянадиган асосий етакчи элемент эканлигини таъкидлади.

Тривелли инглиз-француз империализмининг кризисга учраганлиги тўғрисида ва Мисрга қарши қилинган агрессиянинг муваффақиятсиз бўлиб чиққанлиги ва кризисни таъкидловчи янги далил эканлиги ҳақида гапириб, мустамлакачиликнинг мағлубиятга учраши Европа ишчилар ҳаракати олдида янги перспективалар очиб беради, деди. У, Европа социалистик ёшлар ташкилотларида реформистик сиёсатни танқид қилиш кучайиб бораётганлигини кўрсатиб ўтди. Италия коммунистик ёшлар федерациясининг Марказий комитети, деди у, Европадаги барча социал-демократик, коммунистик ва умуман демократик ташкилотларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, тинчликни сақлаш йўлида биргалашиб кураш олиб бормоқ учун бир қанча асосий халқаро проблемалар бўйича келишиб олишни таклиф қилди.

Генуядан келган делегат Новерасско сўзга чиқиб айтдики, йирик саноат монополияларининг сиёсати давлатни ўзларига тобора кўпроқ бўйсундиришга ҳамда меҳнаткашларни эксплуатация қилишни янада кучайтиришга қаратилган сиёсатдир.

Феррара шаҳридан келган делегат Каваллари парламентда коммунист депутатлар ва сенаторлар олиб бораётган ишни меҳнаткашлар оммасининг умумий кураши билан боғлаш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

М. А. Сусловнинг Италияга келишига Италия ҳукумат маъмурлари рухсат бермаганликларига қарши норозилик билдириб турли партия ташкилотлари томонидан юборилган жуда кўп телеграммалар мажлисда ўқиб берилди. Ливорно, Алессандрия, Массакаррара, Мессина, Катандзаро, Бари ва бошқа вилоятлардан шундай телеграммалар олинди.

## ВЕНГРИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

БУДАПЕШТ, 10 декабрь. (ТАСС). Баъзи территориал ишчи кенгашларининг душманчилик фаолияти муносабати билан Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукумати томонидан кўрилган чоралар тўғрисида ҳукуматнинг баёноти кеча кечқурун Венгрия радиоси орқали эшиттирилди. Баёнотда бундай дейилади: Ҳукумат саноат корхоналарида ишчи кенгашлари тузишни маъқуллади ва уларнинг фаолияти тўғрисида фармон чиқарди. Ҳукумат ишчи кенгашларини қўллаб-қувватлай беради ва уларга таянишни истайди, бироқ, бир неча кун бундан муқаддам ҳукуматнинг рухсатисиз территориал ишчи кенгашлари органлари тузилган эди. Революцион ишчи-деҳқон ҳукумати уларни тан олмади.

Ҳукумат баёнотида, жумладан, бундай дейилади: Будапешт Марказий ишчи кенгаши фақат сиёсий масалалар билангина шуғулланишга ва давлат ҳокимиятининг янги органини тузишга интилди.

Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукумати Будапештдаги ва бошқа ерлардаги территориал ишчи кенгашларини қонундан ташқари ташкилотлар деб эълон қилди ва уларга ўз фаолиятларини тўхтатишни таклиф қилди.

Шу билан бирга, ҳукумат тегишли министрликларга завод ва фабрикалардаги ишчи кенгашлари олиб бораётган фаолиятда уларни қўллаб-қувватлаш вазифасини топширди.

## ВЕНГРИЯДА КОНТРРЕВОЛЮЦИОН УНСУРЛАРГА БЕРИЛГАН ЗАРБА

### Венгрия Халқ республикаси президиумининг фармонлари

БУДАПЕШТ, 10 декабрь. (ТАСС). Кеча кечқурун Венгрия Халқ Республикаси президиуми мамлакат территориясида ҳарбий-дала суди жорий қилиш ҳамда корхоналарда қуролли соқчи отрядлар қўйиш тўғрисидаги низом ҳақидаги фармонларни эълон қилди.

Ҳарбий дала суди жорий қилиш тўғрисидаги фармонда айтилганки, контрреволюцион унсурлар ва бошқа душман унсурлар қўлида кўп қуроллар ва ўқ-дори борлиги, булардан душманлик мақсадларида фойдаланилаётганлиги ҳамда улар аҳоли турмушига, аҳолининг тинч меҳнатига ва хавфсизлигига таҳдид солаётганликлари сабабли меҳнаткашлар бунга қарши дарҳол чоралар кўришни ҳақли равишда талаб қилмоқдалар. Шу сабабли, Венгрия Халқ Республикаси президиуми 11 декабрь соат 18 дан бошлаб ҳарбий дала суди жорий қилишга қарор қилди. Одам ўлдирган, ўт қўйган, талаган, корхоналарнинг ускуналарини бузган шахслар, шунингдек рухсатсиз қурол-яроғ сақлаган шахслар шу судга берилади. Рухсатсиз қурол-яроғ сақлаётган кишилар, — дейилади фармонда, — бу қуролни 11 декабрь соат 18 гача топширишга мажбурдилар. Ўз қуролини топширганлар жавобгарликка тортилмайдилар. Бирор кимсада қурол-яроғ борлигидан хабардор бўлган ва бу ҳақда расмий ҳукумат маъмурларига 11 декабргача маълум қилмаган шахслар ҳам ҳарбий дала судига топшириладилар.

Венгрия Халқ Республикаси президиуми ҳукуматга ҳарбий дала суди жорий қилинганлигини ўз ихтиёридаги ҳамма воситалар—матбуот, радио, эълонлар ва шу кабилар орқали аҳолига маълум қилиш мажбуриятини юклади.

Венгрия Халқ Республикаси президиумининг иккинчи фармонида заводлар ва фабрикаларнинг ишчилар томонидан қўриқлаланиши тўғрисидаги низом қоидалари айтиб берилган.

Баъзи жойларда, дейилади шу фармонда, тартибни бузаётган, ишчиларни саботаж қилишга ундаётган контрреволюционерлар ва шу кабилар қуролли соқчи отрядларига кириб олганлар. Венгрия Халқ Республикасининг президиуми қарор қилади: корхоналар ва муассасалардаги қуролли соқчи отрядларининг раҳбарлари ва аъзолари ўзларида бор бўлган қурол-яроғлар тўғрисида 12 декабрга қадар милиция органларига хабар қилишга ва шу қурол-яроғлар учун рухсат олишга мажбурдирлар. Ариза берилган пайтдан бошлаб то тегишли рухсат олингунча қурол-яроғ ўз эгасининг қўлида туриши мумкин. Ўзларида қурол борлигини хабар қилмаган ёки рухсат берилмагандан кейин ҳам ўзларида қурол сақлаётган кишилар ҳарбий дала судига топшириладилар.

## Жазоирда уруш ҳаракатлари

ЛОНДОН, 9 декабрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг хабар қилишича, Жазоирда француз қўшинлари билан Жазоир миллий озодлик армиясининг қисмлари ўртасида шиддатли жанглар давом қилаётир. Жазоирнинг жанубилаги Жебел-Амур тоғларида бўлган жанглар вақтида жазоирликларнинг 200 кишидан кўпроқ отрядига қарши Франция қўмонданлиги пиёда аскарлар қисмлари ва авиацияни юборди.

Тлемсен яқинида шунингдек Шарқий Жазоирнинг бир қанча пунктларида ҳам жиддий тўқнашувлар бўлди ва бу тўқнашувлар натижасида ўлган ва ярадор бўлганлар бор.

## МАО ЦЗЭ-ДУН ХИТОЙ САВДО-САНОАТ ДОИРАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

ПЕКИН, 9 декабрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун 8 декабрь кечқурун мамлакатнинг турли вилоятлари ва шаҳарларидан умумхитой савдо-саноат уюшмасининг иккинчи съездида қатнашмоқ учун келган савдо-саноат доиралари делегацияларининг раҳбарларини қабул қилди ва улар билан суҳбатлашди. Суҳбат вақтида асосан социалистик қурилиш ишида хитой миллий буржуазиясини янада активлаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун ички ва халқаро сиёсий вазият масалаларини ёритиб берди ҳамда Хитойнинг ҳозирги вақтдаги иқтисодий аҳволи масалаларига тўхталди.

Умумхитой савдо-саноат уюшмасининг раиси Чэнь Шу-тун ва турли вилоятлар ҳамда шаҳарлардаги савдо-саноат доираларининг вакиллари суҳбат вақтида ўз фикрларини айтдилар.

Суҳбатда Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети раисининг ўринбосарлари Лю Шао-ци ва Чэнь Юнь, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг кандидатлари Лу Дин-и ва Бо И-бо, шунингдек бир қанча министрликларнинг ва жамоат ташкилотларининг раҳбар ходимлари ҳозир бўлдилар.

## АЛИ САБРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОҲИРА, 9 декабрь. (ТАСС). Миср республикаси президенти канцеляриясининг бошлиғи Али Сабри, матбуотнинг хабар беришига қараганда, кеча Юнайтед Пресс агентлиги билан суҳбатда, Туркия ва Ироқ Англия-Франциянинг Мисрга қарши қилган агрессиясига бевосита дахлдордирлар, деб айтган. Бағдод пакти, деган у, Мисрга қарши агрессия билан ва ҳозирги кризис билан боғланган пактдир. Али Сабри деганки, Мисрга бостириб кирган флот қисмларига пана бўлмоқ учун Туркия базаларидан фойдаланилди. Самолётларни ёнилғи билан таъминламоқ учун ҳамда ярадорларни эвакуация қилмоқ учун Ироқ авиация базаларидан фойдаланилдики, бу ҳам агрессияда билвосита қатнашишнинг ўзидир. Бағдод пактининг биринчи марта ишга тушганлиги, деб сўнгра давом қилган Али Сабри, «инглизлар билан бирликда бостириб киришда қатнашишдан иборат бўлган экан, у ҳолда мен сиз одамларни бу пактга шу район аҳолисига қарши қаратилган агрессия пакти деб қараётганликлари учун қораламасангиз керак, деб ўйлайман».

Сувайш каналини тозаламоқ учун қанча вақт керак бўлади, деган саволга жавобан Али Сабри бундай деди:

«Бу иш техника масалаларига боғлиқдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг делегацияси тез фурсатда Мисрга келиб бизнинг инженерларимиз билан биргаликда канални кўриб чиқар, қанча ускуна керак бўлишини ва ишларни бажармоқ учун қанча вақт кетишини аниқлаб берилар, деб умид қиламиз». «Биз, деди Али Сабри, канални кўриб чиқиш қўшинларни олиб чиқиб кетиш билан бир вақтда ўтказилишига розилик билдириб, ўзимизнинг ҳайрихоҳлигимизни ва манфаатдорлигимизни кўрсатишга қарор қилдик. Лекин канални тозалашга доир амалий ишлар қўшинлар батамом олиб чиқиб кетилмагунча бошланиши мумкин эмас».

Сувайш канали тўғрисидаги низони ҳал қилишнинг олти принципига Мисрнинг муносабати тўғрисида берилган саволга жавобан (бу принципларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъқуллаган эди), Али Сабри бундай деди: «Биз каналда кемаларнинг қатнашига гарантия бериш тўғрисида битимга келганмиз. Лекин ҳозирги вақтда мамлакатимиз территориясидан ҳали ҳам чиқмай турган агрессорлар проблема бўлиб қолди. Каналда кемаларнинг бемалол қатнаши масаласидаги бизнинг позициямиз ҳамма вақт бир хилда бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади».

## Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги аъзолар қабул қилиш масаласига доир

НЬЮ-ЙОРК, 9 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секретариати билдиради: 12 декабрда Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси ўтказилади ва, дастлабки белгиланган кун тартибига кўра, бу мажлисда Япония ва Мўғулистон Халқ Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш масаласи кўриб чиқилади. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг секретариати Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги аъзолар қабул қилишга тааллуқли бир қанча ҳужжатларни, шу жумладан СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили А. А. Соболев томонидан Хавфсизлик Кенгаши раиси номига ёзилган ва Мўғулистон Халқ Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш тўғрисидаги резолюция проектини ўз ичига олган хатни, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги япон кузатувчиси Касе томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарига юборилган ва Японияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш илтимос қилинган хатни БМТ аъзоларига юборди.

## Япония гражданларининг янги группаси Совет Иттифоқидан репатриация қилинди

Жазо муддатларини ўтаган, амнистия қилинган ва муддатидан олдин озод қилинган япон ҳарбий асирларини ва граждан шахсларини Совет Иттифоқидан репатриация қилиш тўғрисида Япония Қизил Крести ва СССР Қизил Крести ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи ижроия комитети вакилларининг 1953 йил ноябрь ойида имзолаган ахборотига мувофиқ, СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи ижроия комитетининг ёрдами билан япон гражданларининг янги бир группаси яқинда СССР дан Японияга репатриация қилинди. Япония Қизил Крестининг Японияннинг «Кохима» деган кемасида совет порти Находкага келган вакилларига 23 япон граждани топширилди.

СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи ижроия комитетида олинган хабарларга қараганда, репатриация қилинганларнинг ҳаммаси ўз ватанига эсон-омон қайтиб борган. (ТАСС).

## XVI ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ТУГАДИ

МЕЛЬБУРН, 8 декабрь. (ТАСС). Бугун бу ердаги Асосий стадионда XVI олимпия ўйинларининг ёпилиши маросими бўлди.

Ўйинларни ёпиш маросими олдидан 100 минг томошабин ҳозир бўлгани ҳолда СССР билан Югославия Федератив Халқ Республикаси командалари ўртасида футбол ўйини бўлди. 1:0 ҳисоби билан СССР спортчилари галаба қозондилар. Шундай қилиб, сент футболчилари олимпия ўйинларининг чемпиони деган фахрий номни олдилар.

Маҳаллий вақт билан соат 16 дан 20 минут ўтганида Асосий стадионнинг майдонига олимпия ўйинларининг қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг байроқдорлари колоннаси кириб келди. Колоннанинг олдида традицияга мувофиқ Греция командасининг байроқдори келмоқда. СССРнинг давлат байроғини стадионга В. Куц олиб киради. Байроқдорлар колоннаси стадион майдонида сафга тизиладилар. Стадионга байроқдорлар кетидан ўйинларнинг қатнашчилари бўлган спортчиларнинг терма командаси кириб келади.

Олимпия эмблемаси бўлган бирбирига уланган бешта халқа билан безатилган трибунага халқаро олимпия комитетининг президенти Брендеж, Мельбурн лорд-мэри Селлект ва бошқа расмий шахслар чиқади.

Учта флагштокларда Австралия, Греция ва Италиянинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди: Австралия байроғи XVI олимпия ўйинларининг ташкилотчиси бўлган мамлакат шарафига, Греция байроғи олимпия ўйинлари ватанини символлаштиради ва Италия байроғи 1960 йилда бўладиган XVII олимпия ўйинларининг тақиланиши учун ҳисобланган.

Халқаро олимпия комитетининг президенти Брендеж нутқ сўзлаб, спортчиларни меҳмондўстлик билан кутиб олганликлари учун ҳамда барча мамлакатларнинг спортчилари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган мусобақаларни яхши уюштирганликлари учун Австралия маъмурларига ташаккур билдирди. Нотиқ, барча мамлакатлар ёшларининг вакиллари 4 йилдан кейин Римда янги олимпия ўйинларида яна учрашадилар, деб ишонч билдирди.

Фанфаралар янграйди. Флагштокдаги олимпия байроғи пасга туширилади. Асосий стадиондаги ғоят катта идишда ёниб турган олимпия ўти аста-секин ўчади. Байроқдорлар ва спортчиларнинг терма колоннаси стадион майдонидан чиқиб кетади. XVI олимпия ўйинлари тугади.

Австралия матбуоти олимпия натижаларига катта эътибор бермоқда. Газеталар совет спортчиларининг катта ютуққа эришганликларини таъкидламоқдалар. Совет спортчилари ўзларининг асосий рақиби бўлган АҚШ командасидан олинган очколар ҳисоби бўйича ҳам ва олимпия медаллари миқдори бўйича ҳам анча ўзиб кетдилар. СССР спортчилари олимпия ўйинларида 98 та медаль олдилар, шундан 37 таси олтин медаль, 29 таси кумуш медаль ва 32 таси бронза медалидир. АҚШ спортчилари эса 74 та медаль олдилар, шундан 32 таси олтин медаль, 25 таси кумуш медаль ва 17 таси бронза медалидир. СССР командаси 622 та очко тўплади; АҚШ командаси эса 497 очко тўплади.

# Тошкентда

## Ҳаваскор санъатчиларнинг ижодий кўриги

Тошкент область кўрлар клубида область кўрлар жамияти бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг уч кун давом этган кўриги яқинда тамом бўлди. Кўрикда область кўрлар клуби, чўтка фабрикаси, республика профессионал техника мактаби, республика кўр болалар мактаби, Янгийўл районидаги Свердлов номли ва Сирдарё районидаги кўрлар ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бадиий ҳаваскорлари тўгарагининг аъзолари иштирок этдилар.

Кўрик якунида ҳаваскорларнинг охирги ҳисобот концерти бўлди. Концертнинг биринчи бўлими Тошкент кўрлар ўқув ишлаб чиқариш корхоналари ҳаваскорларининг ижросида «Комсомоллар қўшиғи» сарлавҳали адабий музикали монтаж билан бошланди. Самимий кутиб олинган бу монтаж ҳаётбахшлилиги ва яхши ижро этилиши билан томошабинларга манзур бўлди.

1-кўрлар ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг ишчиси шоир Михалковнинг «Жорий ремонт» сарлавҳали масалини завқ билан дикламация қилар экан залда кучли қарсаклар янграб кетди. Шунингдек область кўрлар клуби бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчиси Жўра Шералиев ижро этган «Бастучч», Расулева ва Куиновалар ижро этган «Колхозчи қиз қўшиғи» томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Концертнинг иккинчи бўлимида ижро этилган ашула ва ажойиб рақс куйлари ҳам залдагиларга анча манзур бўлди. Свердлов номидаги кўрлар ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг ишчиси Хайдаров ижро этган «Севимли Москва», Антоненко ижросидаги «Олтин юлдуз», хор ижро этган «Совет ёшлари марши» ва Абдуазизов ижросидаги «Роҳат» куйи томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Концерт охирида хор ижросида берилган «Янги ерликлар келмоқда» сарлавҳали ашула томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

## Янги қурилишлар

Киров районидаги Тимирязев кўчасида қурилган янги бино фойдаланишга топширилди. Бино икки қаватли бўлиб, у ўн хўжаликка мўлжалланган, бино 30 га яқин хонага эга. Яқинда бу уйларга улуғ Ватан урушининг инвалидларидан бир неча хўжалик кўчиб кирди.

«Ўзбексельмаш» заводининг ёнида ҳам янги почта-телеграф бўлими қурилиб ишга туширилди. Илгари шу ерда яшайдиган меҳнаткашлар узоқ шаҳарларга юборилиадиган буюм ва маблағларини анча узоқ бўлган почта бўлимларидан жўнатишга мажбур бўлар эдилар. Ҳозир эса уларга қулай шароит яратилди.

## Тинчлик курашчиларига бағишланган конференция

Яқинда Октябрь районидаги Нариманов номли шаҳар болалар кутубхонасида «Халқлар дўстлиги» деган темада конференция бўлиб ўтди. Конференциянинг биринчи қисмида Тошкент Молотов номидаги медицина институтининг студенти М. Асомов доклад қилди. Сўнгра, 42, 11-мактаб ўқувчиларидан Х. Сирожидинов ва Муслимова ўртоқлар совет шоирларининг тинчликка бағишланган шеърларидан ўқиб бердилар.

Конференцияга шаҳар мактаб ўқувчиларидан 75 га яқин киши қатнашди.

Сессия давлат эстрада театри биносида (Навои кўчаси, 69-уй) бўлади. Депутатлар, эрталаб соат 9 да рўйхатга олинади.

**Тошкент область ижроия комитети.**

Тошкент ремонт-подшипник заводида илғор ишчи ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Бу ерда бир неча ака-ука ва опа-сингиллар ҳам ишлайди. **Суратда:** (чапдан) деталларни силлиқловчи Александра **Кабанова** шу заводда ишлаётган ўз сингилларига силлиқлашдаги илғор иш методи тўғрисида сўзлаб бермоқда.

А. Палехов фотоси.

## Педагогик практика муваффақиятли ўтмоқда

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг битирувчи — IV курс студентлари Тошкент шаҳридаги 76, 12, 90, 38, 144, 24 ва бошқа бир қанча ўрта мактабларда педагогик практикада бўлиб, 8, 9, 10-синфларда дарс бермоқдалар.

Институт маъмурияти педагогик практиканинг муваффақиятли ўтиши учун олдиндан муҳим тадбирларни амалга оширди. Тажрибали ўқитувчилар практикантларга раҳбар қилиб тайинланди.

Тарих фанлари кандидати Х. Беқмуҳамедов ва Хабиров, Бойжонов, Кўзиев каби ўқитувчилар практикантларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Октябрь районидаги Богдан Хмельницкий номли мактабда педагогик практикадан ўтаётган тарих факультетининг IV курс студентлари М. Миралиев, Р. Умирзоқова, Ш. Исмоилов, Б. Самсоқова ўртоқлар дарсларни муваффақиятли ўтказмоқдалар.

Практикантлар синф деворий газеталарини чиқариш, газета ва журналларга обуна тўплаш, қолоқ ўқувчиларни илғорлар сафига кўтариш кабя ишларда ҳам синф раҳбарларига актив ёрдам бермоқдалар.

## Ўқувчилар ташаббуси

Тошкент шаҳар Марказий район 49-ўрта мактабнинг ўқувчилари темир-терсак тўплаш ҳамда уни давлатга топшириш юзасидан ўтказилган декадада актив қатнашиб, катта ташаббус кўрсатдилар. Мактаб ўқувчилари қисқа вақт ичида 10 тоннадан ортиқ темир-терсак тўпладилар. Тўпланган металл парчаларидан 6,5 тоннасини давлатга топширдилар.

Ҳозир ҳам металл парчаларини йиғиш ва уни давлатга топшириш давом этмоқда.

Металл парчаларини йиғиш дарс тугагандан сўнг ва дам олиш кунлари уюштирилмоқда.

## Кинотеатрлар тармоғи кенгаяди

Ҳар ойда Тошкент аҳолисидан қарийб 1 миллион киши кинофильмларни кўрмоқда. Аҳоли орасида кино санъатига бўлган қизиқиш кун сайин ўсиб бораётир. Тошкент шаҳар кинофикация бошқармаси буни ҳисобга олиб, пойтахтдаги кинотеатрлар тармоғини кенгайтириш чораларини амалга ошириб бормоқда. Бу йил Лоҳутий кўчасида 600 томошабин сиғадиган «Салют» кинотеатри қурилиб ишга туширилди. 1957 йилда Малогоспитальная, Одесса ва Школьная кўчаларида ҳар бири 600 ўринли уч кинотеатр биноси қурилиши планлаштирилди.

Кинотеатр залларини вентиляциялаштириш ишларига катта эътибор берилмоқда. Шу жумладан, кино залга қишда иссиқ ҳаво, ёзда эса совуқ ҳаво беришга катта аҳамият берилаётир. «Ўзбекистон» кинотеатрида вентиляция установкалари қурилиб бўлди. Яқин вақт ичида «Искра», «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги», «Комсомол 30 йиллиги» кинотеатрлари ҳам вентиляция ускуналари билан жиҳозланади. «Родина» кинотеатрида вентиляция ускуналари ўрнатиш ишлари тугалланмоқда.

## Шахмат ва шашка мусобақалари

Яқинда Ўрта Осиё политехника институтида биринчилик учун шахмат ва шашка мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақага 6 факультетнинг студентларидан энг уста шахматчи ва шашкачилар қатнашдилар. Мусобақада энергетика факультетининг студентлари 50 имкониятдан 34,5 очкога эга бўлиб биринчи ўринни, геолого-разведка факультетининг студентлари 32 очкога эга бўлиб иккинчи ўринни олдилар.

Институтда бундай мусобақалар тренер ўртоқ Н. Змиевский бошчилигида тез-тез бўлиб туради. Институтда 300 та разрядли шахмат ва шашкачилар бор. Булардан 20 таси биринчи разрядлидир.

## БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети депутатларга билдирадики, шу йил 13 декабрь, кундуз соат 11 да меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг бешинчи (5-чақириқ) сессияси чақирилади.

Тошкент область ижроия комитети.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.


**ТЕАТРЛАРДА:**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/XII да **Холисхон.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 12/XII да **Марварид қидирувчилар** (ўзбек тилида).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XII да **Азиз ва Санам.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 11 ва 12/XII да **Ўзбек санъат усталарининг катта концертлари.** Кеч соат 9 да бошланади: Билетлар сотилмоқда:

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 12, 13, 14, 15, 16/XII да РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуровнинг хайрлашув гастроллари.** Томоша кеч соат 8 да бошланади:

**КИНОТЕАТРЛАРДА:**

«ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **«Эски тошбақа» капитани.**

Жарариқ кўчаси, 11-а домком, 115-уйда турувчи **Қумри Ваҳобованинг** Соғбон кўчаси, 3-уйда турувчи Раҳимжон Муҳаммаджановдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 1-участка халқ судида кўрилади.

## „Совет Ўзбекистони маданияти“

ГАЗЕТАСИГА
1957 ЙИЛ УЧУН

## обуна қабул қилинади

**«Совет Ўзбекистони маданияти»** газетаси адабиёт ва санъат, кинематография, маданий-оқартув муассасалари, радио, полиграфия ва нашриётлар, китоб савдоси ходимлари ва умуман кенг меҳнаткашлар оммасига мўлжалланган.

Газета ўзбек совет маданияти олдида турган муҳим вазифаларни мунтазам равишда ёритиб боради

**«Совет Ўзбекистони маданияти»** газетаси фан, адабиёт, санъат ҳақида ва маданиятга доир бошқа масалалар ҳақида илмий, назарий мақолалар, рецензиялар, очерклар ва информациялар бериб туради.

Шунингдек, газета республикадан ташқари, Иттифоқиниздаги бошқа халқлар ва демократик республикалар халқлари маданияти, адабиёти ва санъати соҳасида ярашилган янги асарларнинг намуналари билан газетхонларни таништириб боради.

Газета ҳафтада 2 марта — чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Обуна баҳоси: бир йилга— 31 сўм 20 тийин, 6 ойга — 16 сўм 60 тийин, 3 ойга — 7 сўм 80 тийин.

Обуна алоқа бўлимлари ва агентликларида, «Союзпечать» бўлимларида, фабрика-завод ва бошқа муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.


РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 08955 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1581.